БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 150 (897)

28 ИЮЛЬ ЯКШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Бугун Ватанимиз пойтахти Москвада ёшлар ва студентларнинг VI бутун жаҳон фестивали очилади.

Фестиваль қатнашчиларига оташин салом!

Ёшлар ва студентлар VI Жаҳон фестивалида қатнашиш учун қардош республикалардан келган ёшларнинг бир группаси. **Л. Портер** ва **С. Преображенский** фотоси ТАСС фотохроникаси.

VI ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИ

— Қимматли дўстлар! Бизни самимий кутиб олганингиз учун чин қалбимиздан ташаккур изҳор қиламиз. Ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивали бутун дунё йигит-қизларининг бир-бирларини яхшироқ тушуниб олишлари учун катта ёрдам беришига ишончимиз зўр.

Фестиваль арафасида Москва, Белорусс вокзалида меҳмондўстлик билан кутиб олинган шотландиялик Яно Форест айтган бу юрак сўзлари улардан илгарироқ Киев вокзалига келиб тушган албанлар, Тунис вакиллари, хитой, венгер, немис, француз ёшлари айтган табрик сўзларига ҳамоҳанг бўлиб кетди. Дунёдаги барча прогрессив кишилар Москвадаги фестивалда бўладиган учрашувларда ёшлар бир-бирларини яхшироқ тушуниб оладилар, деб эътироф этмоқдалар.

Ўтган йили август ойида Москвада ёшларнинг VI Жаҳон фестивалига халқаро тайёргарлик комитетининг таъсис мажлиси бўлиб ўтган эди. Унда 59 мамлакатдан 126 вакил қатнашди. Комитет фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги асосий масалаларни муҳокама қилиб, барча йигит ва қизларга, барча ёшлар ташкилотларига: «Олтинчи фестиваль эътиқоди, ирқи, диний қарашлари, миллатидан қатъий назар, ҳамма ёшлар учун очиқ. Фестивалда сиёсий, фалсафий ёки бошқа анъаналар ҳукмронлик қилмайди. Фестиваль ўзаро ҳурмат қилиш, бутун дунё ёшларининг дўстлиги руҳида ўтади» деб мурожаат қилган эди.

Дунёда биринчи бўлиб миллий, ирқий айирмаларга ҳотима берган социалистик ватанимизнинг улуг пойтахти Москва Жаҳон ёшларининг вакилларини — барча миллат йигит-қизларини меҳмондўстлик, ҳурмат, иззату икром билан поёндоз солиб кутиб олди. Гўзал ва чароғон Москванинг ҳамма жойлари азиз меҳмонларимиз учун кенг очиб қўйилди. Тиллари, кийимлари турлича бўлган, лекин диллари бир, юраклари тинчлик, ҳамкорлик ғоялари билан бир оҳангда жўш урайтган йигит-қизлар Москванинг ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ безатилган кўчаларида, истироҳат боғларида, ҳиёбон ва майдонларида совет ёшлари билан ога-ини, опа-сингиллардек тотув, шоди-хуррам сайр қилиб юрибдилар.

Четэллик меҳмонларнинг Москвада кутиб олинишининг ўзи ҳам тинчлик тарафдорларининг буюк ҳамкорлиги намойишига айланиб кетди. Фестивалга Хитой Халқ Республикаси, Польша, Чехословакия, Болгария ва бошқа социалистик мамлакатларнинг кўплаб вакиллари келишди. Шунингдек Франция, Англия, Германия, Финляндия, Швеция, Ҳиндистон, Япония ва Араб Шарқи мамлакатларидан катта делегациялар келди. Шимолий ва Жанубий Америка ёшлар ва студентлар ташкилотлари сиёсий ҳамда моддий қийинчиликларни енгиб фестивалга жуда катта делегациялар юборгандилар. Эфиопия, Гана, Камерун ва бошқа бир неча мамлакат ёшларининг вакиллари Жаҳон фестивалида биринчи марта қатнашадилар. Москва фестивалининг илгари бўлиб ўтган фестиваллардан фарқи шундаки, унга Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларидан катта делегация қатнашади.

Халқаро реакцион доиралар ёшларнинг бир-бирларини яхшироқ тушунишлари ва тинч ҳамкорлик қилишларига ҳалақит беришга интилдилар. Лекин Москва фестивалига тайёрликнинг кенг кўламда олиб борилиши ва фестиваль ғояларининг миллионлаб ёшлар, неча юзлаб ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланиши «совуқ муносабатлар уриши»ни истаётган кишиларнинг бу интилишларига кескин зарба берди.

Бугун халқаро курашдаги дўстлик ва тинчликнинг символи оқ кабутарлар жонажон пойтахтимиз Москва осмонидан баланд парвоз қилиб, фестивалнинг очилишидан дарак беради. В. И. Ленин номидаги марказий стадионда ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивалининг голиб байроғи кўтарилади. 120 дан ортиқ мамлакат делегациялари ёшлик, жасурлик ва ифтихор туйғулари билан миллий байроқларини кўтариб стадион йўлидан бирин-кетин ўтадилар.

Ёшларнинг тинчлик ва дўстлик байрамида бепоён социалистик Ватанимизнинг барча миллат йигит ва қизларидан 3 минг киши VI Жаҳон фестивалида қатнашишдек шарафли ҳуқуққа эга бўлди.

Серқуёш республикамизнинг бахтиёр ёшларидан жуда кўп йигит-қизлар ҳам бу шарафга муяссар бўлдилар. Бизнинг республикамиздан фестивалга 300 киши қатнашади. Булар фестивалга тайёрлик кўриш даврида ўтказилган спорт мусобақалари ва бадиий конкурсларда голиб чиқиб бу ҳуқуқни олдилар. Республикамиз, шунингдек область ёшлари фестивалга атаб жуда кўп қимматли совғалар тайёрладилар. Хива шаҳридаги «Умид» ҳунармандчилик артелининг гилам тўқувчи санъаткорлари фестивалга совға қилиб ишлаб чиқариш программасидан ташқари катта гилам тўқиб бердилар. Гиламни моҳир тўқувчилардан Бекпошша Ҳасанова билан Султонпошша Машарипова тўқиди. Гиламнинг ўртасида атрофи миллий кашталар солинган ва чиройли қилиб тинчлик каптарининг расми ясалган. Гиламда тасвирланган барча нақшлар халқлар дўстлигини, бахтиёр ёшликни ифодалайди. Шунингдек областимизнинг ишчи ва ҳунарманд ёшлари, ўқувчилари, студентлари ҳам фестивалга турли совғалар юбордилар.

Барча совет ёшлари билан бир қаторда областимизнинг йигит ва қизлари фестивалда ўзларининг қобилиятларини, санъатларини, ақл ва идроклари намойиш қиладилар. Улар бутун дунёда тинчлик, ҳамкорлик ўрнатишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Тинчлик ва дўстлик учун ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивалининг очилиши тўғрисида

Ёшлар ва студентлар VI Жаҳон фестивалининг Халқаро тайёргарлик комитети фестивални 1957 йил 28 июлда соат 14 да В. И. Ленин номидаги Марказий стадионда очишга қарор қилди.

Фестивалнинг ҳурматли меҳмонлари

Ёшлар ва студентларнинг Москвадаги VI Жаҳон фестивалининг ҳурматли меҳмонлари Москвага тўхтовсиз келиб турибди. Улар орасида Греция парламентининг депутати П. Вординояннис, италиялик артист Луижи Чинарра, Канада шоири Жо Уоллес, Ленин тинчлик мукофоти лауреати, Осло шаҳридаги кафедрал соборнинг капеллани Рангнар Форбекк, югославиялик шоира Десанка Максимович, Болгария ватан фронти миллий кенгаши ижроия комитетининг секретари Демир Янев, Германия Демократик Республикасидан экономист Юрген Кучинский бор.

(ТАСС).

Москва фестивали тўғрисида чет эл арбобларининг айтганлари

Ишонч билан айтиш мумкинки, ёшлар ва студентларнинг Москвадаги VI Жаҳон фестивали барча мамлакатларнинг ёшлари ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишида жуда катта роль ўйнайди.

Москва фестивали халқларнинг ўз алоқаларини, ҳамкорликларини мустаҳкамлашлари ва ривожлантиришлари, тинчлик йўлида курашишлари учун негиз бўладиган пойдеворга яна бир тош қўяди.

ГО МО ЖО,
Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг президенти.

* * *

Биз тинчликни ва халқлар хавфсизлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун кураш олдимизда турган вазифаларнинг энг муҳими, энг муқаддаси бўлиб қолган даврда яшамоқдамиз. Турли динлар, ирқлар, миллатлар ва сиёсий маслакларда бўлган бутун дунё ёшларининг вакиллари иштироки билан Москвада ўтказиладиган Жаҳон фестивали бу курашга жуда катта ҳисса бўлиб қўшилишига аминман.

Фестивалнинг ҳамма қатнашчиларига ўз муҳаббатимизни ва ўзимнинг оқ фотиҳамни йўллайман. Фестивалга катта муваффақият тилайман.

Сайфиддин КИТЧЛУ,
Умум Ҳиндистон тинчлик кенгашининг раиси.

* * *

Жаҳон ёшларининг учрашуви жуда фойдали ишдир. Бу учрашув ҳозирги вақтда гоят катта роль ўйнаши мумкин. Мен ўтказилаётган жаҳон фестивалларининг ҳаммасини диққат билан кузатиб бораётганлигим учун шуни айтишим керакки, Москвадаги учрашувда айниқса кўп вакил қатнашади. Жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг вакиллари тинчлик ва дўстлик вазиятида бир-бирлари билан яқиндан танишмоқ учун у ерга тўпланади.

Поль РОБСОН,
Жаҳон Тинчлик кенгашининг аъзоси-ашулачи.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

АКАДЕМИК А. В. ТОПЧИЕВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Академик А. В. Топчиевнинг туғилган кунига эллик йил тўлиши ҳамда илмий-педагогик ва жамоат фаолиятининг йигирма беш йиллиги муносабати билан ва унинг СССРда фанни ва олий таълимни ривожлантиришда кўрсатган хизматларини тақдирлаб, академик Александр Васильевич **Топчиевни Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1957 йил 26 июль.

МИСР РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАМОЛ АБДУЛ НАСИР ЖАНОБ ОЛИЙЛАРИГА

ҚОҲИРА

Миср революциясининг Беш йиллик байрам куни муносабати билан, президент жаноблари, СССР Олий Совети Президиумидан ва шахсан мендан самимий табриклар ва Сизнинг фаолиятингизда муваффақиятлар ҳамда Миср халқининг равнақ топиши йўлида энг яхши орзув-тилакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Миср учун муҳим воқиа бўлган бу кунда менга, президент жаноблари, изчиллик билан тинчлик сиёсатини ўтказиб келган Совет Иттифоқи ва эркин, мустақил миллий тараққиёт йўлига ҳамда мустамлакачиликнинг оғир оқибатларига қарши кураш йўлига кирган Миср ўртасида дўстона муносабатлар мавжуд бўлганлигини ва бу муносабатлар мамлакатларимизнинг манфаатларига ва умумий тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилганлигини қайд қилиш айниқса ёқимлидир.

К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси.
Москва, Кремль
1957 йил, 22 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ К. ВОРОШИЛОВ ЖАНОБ ОЛИЙЛАРИГА

МОСКВА

Сиз Жаноб Олийларнинг самимий мактубингизни энг катта ҳурмат туйғуси билан олдим. Бу мактубда Сиз менга ўз номингиздан ва СССР Олий Совети Президиум номидан Миср революциясининг беш йиллиги муносабати билан самимий табриклар ҳамда самимий тилаклар изҳор қилмоқдасиз.

Сизга, шунингдек Олий Совет Президиумининг аъзолари жаноблари бу яхши туйғулар учун энг самимий миннатдорчилик билдириб, мен мамнуният билан Совет Иттифоқининг дўстона халқларига шонли шараф ва гуллаб-яшнаш йўлида энг яхши тилакларимни йўллаймай.

Жамол Абдул НОСИР.

Республика Саройи
Қоҳира
1957 йил, 25 июль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАСИ ТОЖИКИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик ходимларининг ўзаро текшириш бригадаси 28 июлда Тошкентдан қардош Тожикистон республикасига жўнаб кетди. Бригаданинг составида илмий муассасаларнинг ходимлари, пахтачилик мутахассислари, партия ва совет масъул ходимлари, МТС директорлари, илғор қишлоқ хўжалик артелларининг раислари ва бригадирлари бор. Улар орасида Тошкент области Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз раиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ўртоқ Маннонов, СоюзНИХИ Марказий селекция станциясининг директори, биология фанлари доктори Ўртоқ Дадабоев, Андижон 1-МТСининг бош агрономи Ўртоқ Утяшев, Наманган области Тўрақўрғон районидаги Сталин номли колхознинг бригадири Ўртоқ Файзуллаева, Фарғона области Бағдод 1-МТСи зонаси бўйича район партия комитетининг секретари Ўртоқ Хурсанов, ЎзССР Қишлоқ хўжалик министрлиги пахта инспекциясининг бош агрономи Ўртоқ Никитин, Самарқанд области Пахтакор район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Қаҳҳоров ва бошқалар бор.

Ўзаро текшириш бригадасига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ш. Рашидов бошчилик қилмоқда.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг вакиллари Тожикистон колхозлари, совхозлари ва МТСларида бўладилар, қардош республиканинг меҳнаткашлари Ўзбекистон пахтакорлари билан пахта етиштириш ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш учун социалистик мусобақада қабул қилинган мажбуриятларни қандай бажарайтганликларини текширадилар, пахтани парвариш қилиш даврида тўпланган илғор тажриба билан ўртоқлашадилар. (ЎзТАГ).

АФҒОНИСТОН ПОДШОСИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИДА САЁҲАТИ

СЕВАСТОПОЛЬ, 26 июль. (ТАСС). Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ ва унинг ҳамроҳлари бугун эрталаб автомашиналарга тушиб, Севастополга жўнадилар.

Севастополь бўсағасида меҳмонларни меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси С. П. Кирсанов, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг депутатлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари кутиб олдилар.

Афғонистон подшоси 1854 — 1855 йиллардаги Севастополь мудофаасининг машҳур панорамасини тамоша қилди. Ҳурматли меҳмон денгиз қалъаси ҳимоячиларининг мардлик билан қилган қаҳрамонона курашини кўрсатувчи манзаралар тасвирланган чиройлиқ суратни қизиқиб кўздан кечирди.

Афғонистон подшоси шаҳар билан таниши бўлгач, аэродромга томон йўл олди. Бу ерда шаҳар меҳнаткашларининг ва Қора денгиз флоти ҳарбий денгизчиларининг вакиллари меҳмонларни кузатиб қолмоқ учун тўпланган эдилар. Украина ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари С. А. Ковпак, Украина ССР Ташқи ишлар министри Л. Ф. Паламарчук ва бошқа расмий шахслар ҳам бу ерга келдилар.

Афғонистон давлатининг бошлиги шарафига фахрий қоровул саф тортиб турди. Муҳаммад Зоҳир шоҳ Ҳазрат Олийлари тўпланганлар билан ҳайрлашиб, бундай деди:

— Менинг Севастополда бўлишим ва бу ерда дўстона, самимий кутиб олинганлигим менинг қувончимни тағин ҳам кўпроқ оширди. Сизларнинг яхши туйғуларингиз учун ташаккур айтаман, сизларга ҳам ўз халқимнинг энг яхши ҳисларини ва энг яхши дўстона истакларини изҳор қиламан.

Совет Иттифоқида саёҳатни давом эттирмоқ учун Афғонистон подшоси билан бирликда СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари М. П. Тарасов, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. Н. Косигин, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. В. Захаров, СССРнинг Афғонистондаги элчиси М. В. Дегтярь ва бошқа расмий кишилар ҳам жўнаб кетдилар.

Бугун кунинг иккинчи ярмида Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ ва унинг ҳамроҳлари Харьковга келдилар. Афғонистон, СССР ва Украина ССР давлат байроқлари билан безатилган аэродромда ҳурматли меҳмонни меҳнаткашлар депутатлари Харьков область Совети ижроия комитетининг раиси Д. П. Циснячевский, Украина ССР Олий Советининг, область ва шаҳар Советларининг депутатлари, Харьков жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар.

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ ва унинг ҳамроҳлари бироз дам олиб, сўнгра яна йўлга равона бўлдилар. Самолёт осмонга парвоз қилиб, ғарби-шимолга томон йўл олди. (ТАСС).

АФҒОНИСТОН ПОДШОСИ БЕЛОРУССИЯ ПОЙТАХТИГА КЕЛДИ

МИНСК, 26 июль. (ТАСС). Совет Иттифоқида саёҳат қилаётган Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ бугун кечқурун Совет Белоруссиясининг пойтахти Минскка келди.

Минск аэродромида ҳурматли меҳмонни Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. И. Козлов, республика Министрлар Советининг раиси Н. Е. Авхимович ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Афғонистон подшосининг келиши шарафига аэродромда фахрий қоровул саф тортиб турди. Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. И. Козлов ва Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ нутқ сўзладилар. Афғонистон давлатининг бошлиги Белоруссия пойтахтида ўзининг бунчалик қизғин, дўстона кутиб олинганлиги учун ташаккур билдирди.

СПОРТЧИЛАР МОСКВАГА КЕЛМОҚДА

Жаҳоннинг турли мамлакатларидан спорт делегациялари Москвага тўхтовсиз келиб турибди. Бу йилги мавсумдаги энг катта халқаро мусобақаларда — учинчи спорт ўйинларида — 53 мамлакатдан келган спортчилар қатнашуви кутилади.

Спорт ўйинларининг матбуот марказида ТАСС мухбирига берилган хабарга қараганда, ҳозир Хитой Халқ Республикаси, Чехословакия, Венгрия, Япония, Англия, Румния, Австралия, Янги Зеландия, Индонезия, Миср, Непал ва бошқа кўп давлатларнинг спортчилари Москвада турибди.

Германия Демократик Республикаси, Польша, Венгрия, Хитой Халқ Республикаси, Японияндан энг катта делегациялар келди.

Москвага келиб етган меҳмонлар орасида бутун дунёга машҳур спортчилар: Затопек (Чехословакия), Карпати, Рожавельди, Ихарош (Венгрия), Оно (Япония), Лауренс (Австралия), Роттман (Руминия) бор. (ТАСС).

ЗАПОРОЖЬЕ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ЎРИМ-ЙИҒИМНИ ТУГАЛЛАДИЛАР

ЗАПОРОЖЬЕ, 26 июль. (ТАСС). Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ғалла ўримини ўтган йилдагидан 20 кун илгари тамомладилар. Кўпчилик районларда ғалла ўрими 15 кун ичида ўтказилди.

Ғаллани алоҳида ўриш ва алоҳида янчиш усулини кенг қўлланиш юқори иш суръатини таъминлади ва деярлик беш миллион пуддан ортиқ қўшимча ғалла олишга имкон берди.

ИККИ ШАҲАР МУСОБАҚАСИ

Кеча Тошкент шаҳар саноат, транспорт, қурилиш ва пойтахт хўжалиги ходимлари активининг Боку шаҳар меҳнаткашларининг Тошкентга келган вакиллари билан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига тузиладиган социалистик мусобақа шартномасини муҳокама қилиш ва қабул қилишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ Ғуломов очиб, меҳмонларни қизғин табриклади. Шаҳар хўжалигининг аҳволи ҳақида информация бериш учун шаҳар ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Турсуновга сўз берилди.

— Яқинда, — деди Ўртоқ Турсунов, — шаҳримизда қардош Қозоғистон республикасининг пойтахти Олмаота шаҳри меҳнаткашларининг вакиллари меҳмон бўлдилар. Олмаота билан Тошкент мусобақадош шаҳарлардир. Биз биринчи яним йил якунларини кўриб чиқдик. Ана шунда биз социалистик мусобақа қандай фойда келтирганига ишонч ҳосил қилдик. Тошкент шаҳрининг саноати 6 ойлик программани ошириб бажарди. Бунда социалистик мусобақанинг роли катта бўлди.

— Ҳозирги кунларда,— деб давом этди сўзида Ўртоқ Турсунов, — биз совет Озарбайжони пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари билан учрашиш шарафига муяссар бўлдик. Улар Тошкентга бизни Октябрнинг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақага чақириш ва ана шу мусобақа шартномасини тузиш учун меҳмон бўлиб келдилар. Биз ўзининг революцион традициялари билан шуҳрат қозонган, мамлакатимиздаги индустрлашган энг йирик шаҳарлардан бири бўлган Боку шаҳрининг меҳнаткашлари билан социалистик мусобақалашишни ўзимиз учун катта бахт деб ҳисоблаймиз.

Боку шаҳри меҳнаткашларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақа тузиш ҳақидаги чақиригига қўшилиб, Тошкент шаҳри корхоналари, транспорти, қурилиш ташкилотлари ва шаҳар хўжалигининг коллективи ўз зиммасига қўйидаги мажбуриятни олди: **1957 йил давлат планини муддатидан олдин, 17 декабргача бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқни 5 процент ошириб бажариш, маҳсулот таннархини пландагига нисбатан 2 процентга камайтиришга эришиш.**

Сўнгра сўз Боку шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ Оллохвердиевга берилади. У, делегация аъзоларини қизғин ва самимий кутиб олганликлари ҳамда катта меҳмондўстлик кўрсатганликлари учун Тошкент шаҳрининг меҳнаткашларига миннатдорчилик билдиргач. бундай деди:

— Биз шаҳрингизда бир неча кундан буён меҳмон бўлиб турибмиз. Ана шу қисқа муддат ичида сизнинг республикангиз нақадар юксалганлигини, Тошкентда оғир саноат тармоқлари кенг ҳажмда ривожланганини кўриш ва билиш имконига эга бўлдик. Бу бизни жуда қувонтирди. Саноатлашган Тошкент жиддий мусобақадош бўлади. Аммо асосий вазифа — ўзаро ёрдамлашиш, тажриба алмашишдан иборат бўлмоғи керак.

Сўнгра Ўртоқ Оллохвердиев Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари бир-бирлари билан узоқ вақтдан буён қаттиқ дўстлик алоқалари билан боғланганликларини эслатиб ўтади. Ўзбек пахтакорлари Озарбайжон колхозчиларига пахта етиштиришни ўзлаштиришда ёрдам берган эдилар. Эндиликда улар азалий мусобақадошлар бўлиб қолдилар. Пахтакорлар кетидан, саноат ходимларига навбат келди.

Ўртоқ Оллохбердиев актив йиғилиши қатнашчиларини Боку шаҳри саноатининг иши билан таништирди. Боку нефтчилари ва шаҳардаги бошқа саноат корхоналарининг коллективлари олдида турган вазифалар ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг у, Боку шаҳрининг меҳнаткашлари номидан гапириб, улар **саноат ишлаб чиқариши соҳасида 1957 йил планини 27 декабргача бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш планини 1,2 процент ортиғи билан адо этиш, маҳсулот таннархини пландагига нисбатан 0,5 процент камайтиришга эришиш мажбуриятини олганликларини айтди.**

Шунингдек актив йиғилишида «Карагандинефть» бошқармасининг бошлиги Бобоев, «Ташкенткабель» заводининг слесари Абдураззоқов, Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг секретари Черников ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзладилар. Улар Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари Боку меҳнаткашларининг чақиригини жон-дилдан қабул қиладилар, деб кўрсатдилар.

Тошкент шаҳар Октябрь район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Шоисломов район меҳнаткашлари номидан Боку шаҳар Октябрь район меҳнаткашларини социалистик мусобақага чақирди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ Ғуломов делегация аъзоларига шаҳар меҳнаткашлари номидан Боку шаҳрининг меҳнаткашларига қардошлик саломи топширди ва уларга меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Актив йиғилишида икки республика пойтахти меҳнаткашлари ўртасида социалисик мусобақа шартномаси тузилди ва шу ҳақда қарор қабул қилинди.

Тинчлик, дўстлик ва қувноқлик байрами

☆ ☆ ☆

ДЎСТЛИК СИМВОЛИ

Жаҳон ёшлари фестивали! Бу содда, оддий ва самимий сўзлар замирида жаҳондаги барча мамлакат йигит ва қизларининг дўстлиги, ҳамкорлиги, эзгу нияти — Жаҳонда тинчликнинг барқарор бўлиши учун олиб борилаётган курашдир. Бундан 12 йил илгари жаҳон ёшларининг фестивали бир ғоя, бир эзгу ният, орзу-умид бўлса, эндиликда бу ғоя, бу ният борган сари кенг мазмунга эга бўлиб, борган сари ёшларнинг ёшлиги, хушчақчақлик, дўстлик, ҳамкорлик, бардамлик байрамига, традицион байрамига айланиб бормоқда.

Прага, Будапешт, Берлин, Бухарест ва Варшавада бўлиб ўтган фестиваллар жаҳон ёшларининг байрамигина бўлиб қолмай, балки улуғ мақсад — дўстлик ва тинчлик учун мураш йўлида уларни бир-бирларига яқинлаштирди. Жаҳон халқларининг учрашувлари муҳим ва зарур ишдир. Чунки инсониятни ларзага келтириб, миллион-миллион кишиларнинг ёстигини қуритган, ҳисобсиз бог-рогларни, инсон қўли билан бунёдга келтирилган мукаддас нарсаларни ҳароб қилган, вайронага айлантирган даҳшатли уруш бўронларини прогрессив инсоният ҳали унутгани йўқ, ажал уругини сепувчи булут парчалари ёруғ жаҳонга кўланка солиб турибди. Худди ана шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда халқларнинг дўстона учрашувлари янада катта аҳамиятга эгадир.

Жаҳоннинг турли мамлакатларидан Ватанимиз пойтахти — жонажон Москвага ҳис-туйғуси, фикрлари, эътиқоди хилма-хил бўлган кишилар келмоқда. Улар дўстлик ва қардошликни, ҳамжиҳатлик ва тинчликни, қалбининг қаъридаги мавж ураётган меҳрибонликни намойиш қиладилар. Улар асрлар давомида инсон меҳнати, ақл-идроки, тафаккури самараларининг барбод бўлишига йўл қўймаслик учун, уруш оловини ёқувчиларнинг эсҳушини жойига келтириш, кўзини очиб қўйиш учун халқаро фестивали ўтказишга келмоқдалар.

Москва осмонини янгратиб тараладиган қўшиқларда, саҳнани гумбирлатиб ижро қилинадиган рақслапарларда, спорт майдонлари, йўлакларида ўтказиладиган мусобақаларда энг мард ва талантли, энг меҳрибон ва зийрак кишиларнинг шод-хуррам овози янада қатиқроқ, қувноқроқ жаранглайди, санъати, маҳорати намойиш қилинади, куч-қуввати, ғайрати синалади.

Ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивали бутун дунё ёшлари каби Совет Иттифоқи ёшларини ҳам қувонтирди, уларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Улуғвор Ватанимиз ёшлари ана шу традицион байрамга зўр тайёргарлик билан келдилар. Иттифоқчи республикаларда ўтказилган фестиваллар ёшларнинг баланд руҳ, шавқ-завқ билан бу байрамга тайёрланганликларини кўрсатди.

Республикамизда ўтказилган фестивалда яхши натижаларга эришган ёшлар ўз устларида қунт билан ишладилар ва Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ фестивалида юксак мукофот олишга муяссар бўлдилар. Бутуниттифоқ фестивалига қатнашган республикамиз ёшларидан 30 га яқин кишининг олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланганликлари, фестиваль лауреати бўлганликлари бунинг далилидир. К. Жалилова, Ҳ. Султонов, Б. Қориева, Р. Курмлева, Ф. Ҳарратов, А. Абдураупов ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Бутуниттифоқ фестивалида Тошкент тўқимачилик комбинати ҳаваскорлари (раҳбари И. Оқилов), ўзбек давлат эстрадасининг «Баҳор» ансамбли (раҳбари М. Турғунбоева), халқ чолғу асбоблари оркестри (раҳбари Н. Алимов) олтин медаль билан, Қорақалпоқ, Хоразм ашула ва рақс ансамбллари, Ўзбекистон меҳнат резервлари хореография коллективи кумуш медаль билан тақдирланди. Фарғона водиси, Бухоро коллективи ва Тошкент «Ёшлик» ансамбли бронза медаль олдилар.

Жаҳон фестивалига бу йил Совет Иттифоқидан 3 минг киши қатнашади. Ана шулар орасида республикамиз ёшлари ҳам бор. Фестивалда қатнашаётган Ўзбекистон вакиллари республика шон-шарафи учун бутун кучларини сарфлайдилар ва ўз маҳоратларини моҳирлик билан намойиш қиладилар.

Сизларга муваффақият тилаймиз, фестиваль қатнашчилари!

С. РАҲИМОВ.



Бухоро область рақсчилари «Бухороча рақс»ни ижро этмоқдалар.

АЖОЙИБ ТОРТИҚ

Артель раиси Ҳадя опа Мирзараҳимова ёшлар ва студентларнинг Москвада бўладиган VI Жаҳон фестивалига бирорта совға тайёрлаш тўғрисидаги фикрни технорук Иосиф Алишаевга айтган эди, унга ҳам маъқул тушди.

— Қандай совға тайёрлашни цехлардаги раҳбарларни тўплаб, маслаҳатлашайлик. Кўпчиликдан бир маслаҳат чиқар, — деди технорук.

Йиғилиш ўтказилиб, маслаҳатлашилди. Кўпчилик фестивалга палак-сўзана совға қилишни маъқул топди. Энди бу нарсани тикиш учун артель ишчилари орасидан тузуккина тажриба, қунт ва идроккa эга бўлган бир чеварни танлаш зарур эди.

— Менимча палак-сўзанани тикишни Саодатга топширсак. У бунинг уддасидан чиқади. Бундан илгари ҳам анчагина заказларни жуда кўнгилдагидек қилиб бажарган, — деди попон цехнинг бошлиғи Назира Тўраева.

Саодат Тоҳирова ҳақиқатан ҳам артелда пешқадам попончилардан ҳисобланади. У 1951 йилда ўрта мактабни тамомлаб, етуклик аттестати билан шу артельнинг попон цехига ишга кирган эди. Ҳайри опанинг самимий ёрдами туфайли у 3 ойда ўз касбининг устаси бўлди. Йил кетидан йил қуриб, орадан олти баҳор ўтди. Саодат ўз касбининг ипидан-игнасигача билиб олди. Унинг қўлидан чиққан чойшаб, гул кўрпа, сўзана ўз сифати, жозибаси билан ҳаммани мафтун қиладиган бўлди. Артелга шогирд бўлиб ишга кирган Саодат ҳозиргача ўндан ортиқ қизга ҳунар ўргатди. Хуллас, у ўзининг меҳнатсеварлиги, одоб ва идроки билан артель коллективининг ҳурматига сазовор бўлди.

Назира опа фестивалга совға ҳақидаги гапни Саодатга тушки танаффус вақтида айтди.

— Сенга бир шарафли вазифани топширишга қарор қилдик.

— Нима экан ўзи? — қизиқиб сўради Саодат.

— Июль ойининг охирларида Москвада жаҳон ёшларининг фестивали очилади. Ана шу ёшлар байрамига коллективимиз номидан палак-сўзана совға қилмоқчимиз. Сўзанани тикишни эса сенга топширишга келишдик.

— Москвага юбориладиган нарса бўлса... Қандай бўларкин. Кўпчиликка ёқадиган қилиб тиколсам майлия, — деди Саодат ҳаяжонланиб.

— Албатта тика оласан. Ҳаммамиз ёрдам берамиз.

Палак-сўзанага тикиладиган гуллар ансамблини шарқ усулида қилиб, попон цехининг рассоми Маргарита Матвеева ишлаб чиқди. Назира опа тикиладиган ипакларнинг хилини танлашда ёрдамлашди. Цехнинг бошқа чеварлари ҳам ўз маслаҳатларини аяшмади.

Орадан икки ярим ой ўтди. Ниҳоят, палак-сўзана тайёр бўлди. Саодат коллектив ишончини оқлаш, совғанинг кўнгилдагидек бўлиб чиқиши учун озмунча меҳнат қилмади, озмунча тер тўкмади. У фестиваль бошланмасдан анча олдин совғани тайёрлашга астойдил ҳаракат қилди. Ҳатто иш вақтидан олдин келиб, ишдан сўнг цехда қолиб тикди. Палак-сўзананинг қўл билан тикиладиган жойларига Н. Эргашева, М. Алиханова ўртоқлар ёрдам беришди.

Суратда: Сталин номли артелнинг чеварлари. **М. Акрамова, Саодат Тоҳирова** (ўртада) ва **З. Атакаева** палак-сўзанани кўрмоқдалар. **В. Салов** фотоси.

Совға кутилгандан ҳам зиёд бўлиб чиқди. Бўйи 4 метр-у 20 сантиметр, эни 3 метр-у 80 сантиметр бўлган қизил селон матани кўз олдингизга келтиринг: унга ҳар турли ипак билан попон машинада тикилган гуллар кўзингизни қамаштиради, завқингизни оширади. Ўзбек халқининг миллий ифтихори — пахта сўзанада жуда оригинал ифодаланган. Палак-сўзананинг қоқ ўртасида VI Жаҳон ёшлари фестивалининг эмблемаси яшнаб турибди.

Тошкентдаги Сталин номли артель тайёрлаган палак-сўзана дўстлик ва тинчлик, ёшлик ва гўзаллик байрами жаҳон ёшлари фестивалига муносиб совғадир.

Шу йил 2 августда попон цехининг бухгалтери Эльмира Далатказина, артель бадиий ҳаваскорлар тўғарагининг қатнашчилари Ш. Аҳмедова, С. Ғуломова ва моҳир қаштачи Саодат Тоҳирова фестиваль шаҳри — Москвага қараб йўл оладилар. Улар Москвада бахтиёр, қўли гул ўзбек қизи тиккан палак-сўзанани дунёнинг турли чеккаларидан келган йигит ва қизлар олдида намойиш қиладилар.

Бу ажойиб совға бутун дунёда тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик ва халқларнинг бахт-саодати учун курашнинг ёрқин символидир.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

☆ ☆ ☆

СЎЗ ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Жаҳон ёшлари фестивали билан бир қаторда Москвада ёшларнинг III халқаро ўртоқлик спорт мусобақалари ҳам ўтказилади. Жаҳон ёшларининг спорт маҳоратига кўрик бўладиган бу учрашувда спортнинг 23 тури бўйича мусобақа ўтказилади. Хотин-қизлар эса спортнинг 14 хили бўйича мусобақалашадилар. Бу ўртоқлик учрашувининг кўламини тасаввур этиш учун Мельбурндаги XVI халқаро Олимпия ўйинларининг программасида спортнинг фақат 17 хили бор эканлигини эслатиб ўтиш кифоя.

Халқаро ўртоқлик мусобақаларига Совет Иттифоқининг, шу жумладан Ўзбекистон республикасининг йигит ва қиз спортчилари жуда катта тайёргарлик билан келдилар. Ўзбекистондан халқаро ўртоқлик спорт мусобақаларида 18 киши иштирок этади. Булар орасида штангачи Шарипов, ентил атлетикачи Ряховский, Ситников, акробатчилар Хўжаев ва Костин, гимнастикачилар Хремпач, Сиркин, Овсяников, Исҳокова ва бошқа ўртоқлар бор.

Мен 1956 йилда ўтказилган XVI халқаро Олимпия ўйинларида қатнашиб, 168 сантиметр баландликка сакрадим. Шундан бери ўтган даврнинг ичида маҳоратим янада ошди. Бўлажак халқаро ўртоқлик учрашувида янада янги муваффақиятга эришиш умидидаман.

Биз Москвада бўладиган мусобақаларда Ўзбекистонлик физкультурачилар номидан қатнашиб, республикамиз спорт шарафи учун курашамиз.

Валентина БАЛЛОД,

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг III курс студенти.

* * *

Шундай улуғ айёмда ўз ҳис-туйғусини, шодлигини ифода этишга анча қийналар экан, киши.

Ўзбек санъаткорларининг Ҳиндистонга қилган сафари даврида мен ҳам борган эдим. Меҳнаткаш ҳинд халқи, унинг бой маданий мероси, ёғгорликлари, санъатни ғоят севиши менда жуда катта таассурот қолдирган эди. Бу таассуротлар ҳамон ёдимда.

Мен ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивалида қатнашишим билан чексиз фахрланаман. Чунки, мен Москвада қадрдон дўст ҳинд халқи вакилларини кўрмоқдаман, улар билан чин юракдан сўзлашмоқдаман, ўз фикр, дўстлик ҳис-туйғуларимизни ўртоқлашмоқдамиз. Ҳинд дўстларим улуғвор ватанимиз тўғрисида, турмушимиз тўғрисида завқ билан гапирадилар. Фестивалда бир қанча мамлакатларнинг вакиллари ҳам қатнашадилар.

Дўстлик, ҳамжиҳатлик, ёшлик байрами бизларни ирқимиз, миллатимиз, касбимиздан қатъий назар бир-биримизга янада яқинлаштиради. Биз ёшлар бутун кучимизни жаҳонда тинчлик бўлишига, халқлар ўртасида дўстликнинг мустаҳкамланишига қаратамиз.

С. ҚОБИЛОВА,

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистка.

* * *

Москвага фестивалга боришимни эшитгач, хурсандлигимдан ўзимни қўйишга жой тополмадим. Москва! Фестиваль! Дўстларим табриклашса ҳижолат бўлиб, нима дейишимни билмасдим.

Заводимиз ёш ишчилари бу традицион байрамни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилдилар. Бизнинг участкамиз заводимизда энг илғор участкалардан бирига айланди. Кўплаб комсомол-ёшларимиз смена топшириқларини бир яримикки ҳисса қилиб бажардилар. Токарь Сачков ва слесарь Паничев сингари ўртоқлар муттасил икки нормадан иш бажариб келмоқдалар. Маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш соҳасида кўпгина янгиликларни ишлаб чиқаришга татбиқ этдик. Участкамиз ой сайин топшириқни ошириб адо этмоқда.

Мен фестивалда чет элли ёшлар турмуши билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдим. Улар менга, мен уларга янгиликлар ҳақида сўзлаб бермоқдамиз.

М. ЙЎЛДОШЕВ,

«Чирчиксельмаш» заводининг мастери.

Фестиваль телеграммалари

Ватанимнинг қадрли меҳмонларига чин қалбимдан саломлар!

Михаил Шолохов, ёзувчи.

* * *

Ёшларнинг Москвада ўтадиган VI Жаҳон фестивали бутун дунё ёшлари дўстлиги ва бирлигининг қудратли намойиши бўлсин, спортчилар, артистларнинг мусобақалари муносибларнинг энг муносибларига ғалаба келтирсин, тинчлик ва дўстлик фестивалининг энг катта голиблари бўлсин.

Фестивалнинг ҳамма қатнашчиларига ва меҳмонларига қизғин салом.

Дмитрий Шостакович, композитор.

* * *

Менинг ёш дўстларим!

Менинг бутун ҳаётим масофа тўғрисидаги одатдаги тушунчани кескин суратда ўзгартириб юборган авиация билан боғлиқдир.

Самолётлар туфайли, жумладан, мен раҳбарлик қилаётган коллектив яратган самолётлар ҳам туфайли, кишилар бир-бирлари билан тез-тез алоқа қилишлари мумкин. Фестивалнинг баъзи қатнашчилари Москвага «ТУ-104» машиналаридан бирида келишларидан шодман. Ватаним самолётларининг қанотларига «Тинчлик» деган сўзлар ёзиб қўйилганлиги билан фахрланаман.

Фестиваль вакилларини — бутун дунёда тинчлик ишини астойдил ҳимоя қилаётган ёшларни чин қалбимдан табриклайман.

А. Туполев.

Ленин мукофотининг лауреати, авиаконструктор, академик.

* * *

Бизни тинчлик ва дўстлик идеялари бирлаштирмоқда.

Ёшлик — кишининг ҳаётида энг яхши бир даврдир. Сенинг олдингда ҳамма йўллар очиқдир.

Беш қитъанинг ҳаммасидан Москвага қараб минг-минглаб йигит ва қизлар келмоқдалар. Рус кишилари, совет халқимиз ўз дўстларини нақадар зўр хурсандлик билан кутиб олабилганидек, уларни самимий ва чин қалбдан кутиб олайлик. Меҳмонларимиз ўзларини ўз уйларидагидек ҳис қилсинлар. Фестиваль қатнашчилари бўлган ёш шахматчилар билан учрашиш менинг учун қувончли бир ҳол бўлади. Шахмат тили — халқаро тилдир. Биз бу тилда бир-бирларимизни яхши тушуниб оламиз.

В. Смислов,

халқаро гроссмейстер, шахмат бўйича жаҳон чемпиони.

Пойтахт баллари

Москвада ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивали очилиши муносабати билан Тошкентдаги маданият ва истироҳат боғларида пойтахт меҳнаткашларининг байрам баллари ўтказилмоқда. Ёшларнинг бу қувноқлик кечалари «Тинчлик, бирдамлик, шарафли меҳнат учун» деган шиор остида ўтаётир. Пойтахт ёшларининг балларига олий ўқув юртлари студентлари, завод ва фабрикаларнинг илғор ишчилари актив қатнашмоқдалар.

Бундай қизиқарли кечалар шаҳарнинг «Победа», Пушкин, Киров номли маданият ва истироҳат боғларида тантанали вазиятда ўтмоқда.

«Победа» паркида пойтахт санъаткорларининг чиқишлари томошабинларга жуда манзур бўлмоқда. Ўзбек халқ дорвозлари ўйинлари, Киров район бадиий ҳаваскорларининг концертларини кўп киши томоша қилди.

Жаҳон фестивали очилиши муносабати билан ўтказилаётган баллар ёшларнинг тинчлик, ўзаро дўстлик ва қувноқлик байрамига айланмоқда.

Байрамга атаб

Республика ёш табиётшунослар станцияси аъзолари ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивалига кўпгина совға тайёрладилар. Улар Москвага — фестиваль қатнашчиларига станция тажриба майдонида етиштирилган хушбўй ва хилма-хил гулларни юбордилар.

Ёш табиётшунослар кўкламда Бўстонлиқ ва Бурчмулладаги тоғлиқ районларга экспедицияга чиқиб, лола ва эримурс сингари гул кўчатларини олиб қайтган эдилар. Бу гуллар махсус яшикларда Москвага юборилди.

Бундан ташқари республика ёш табиётшунослар станцияси фестивалга совға тариқасида декоратив гулларнинг 15 хил уруғини юборишди.

Фестиваль кунларида Москва кўкида ёш табиётшунослар станцияси қошидаги жонли бурчак тўғарак аъзолари ўстирган каптарлар ҳам парвоз қилади. Ўртоқ А. Пожаритский бошчилик қилаётган бу тўғарак яқинда яна 60 та оқ каптарни Москвага юборди.

Ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивалига совға тайёрлашда станциянинг С. Ҳакимов, Қ. Саидназаров, В. Николаев, С. Андросов каби актив аъзолари катта ёрдам бердилар.

* * *

Тошкентдаги Максим Горький номли маданият ва истироҳат паркида ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивали кунига бағишланган виставка ташкил этилди. Виставкага қардош республика ёшларининг фестивал олди қизғин тайёргарлигини акс эттирувчи плакат, расм, иллюстрация ва фотосуратлар қўйилган.

Рассомлардан К. Иванов ва В. Брискин ўртоқлар чизган расм репродукцияси ёшлар ўртасидаги дўстликни ифодалайди.

Кабардин санъаткорлари фестивалга тайёрлаган программа номерларини акс эттирувчи расмлар ҳам кўзга ташланади. Литвалик ёш талантлар саҳналаштирган «Лайма» балёт асари финали кўринишини ҳикоя қилувчи фотосуратлар эътиборингизни жалб этади.

Виставкада физкультура ва спортга оид материалларга ҳам катта ўрин ажратилган.

Бу ерда фестивалга жўнаб кетган ўзбек ёшларининг тайёрлаган тамоша номерларини акс эттирувчи фотосуратлар ҳам бор.

А. АЛИЕВ.

Бугун ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивали тантанали суратда очилади. Суратларда: фестивалга Ўзбекистондан борган вакиллар. 1. Тошкент музика мактаблари ўқувчиларидан иборат халқ чолғу асбоблари оркестри, З. Содиқов дирижёрлик қилмоқда. 2. Тошкент тўқимачилар комбинатининг ҳаваскорлари «Баҳор» рақсини ижро этмоқда. 3. Тошкент шаҳар «Ёшлик» ансамбли қатнашчилари ўз маҳоратларини намойиш қилаётирлар.

В. Сироткин, И. Глауберзон фотолари.

РИВОЖИ ПАСТ ҒЎЗАЛАРНИ ҚЎШИМЧА ПАРВАРИШ ҚИЛИБ, СЕРКЎСАК ҒЎЗАЛАРГА ЕТКАЗИБ ОЛАЙЛИК!

Комсомол-ёшлар бригадасида

«Шарқ юлдузи» колхозининг аъзолари мўл ҳосил етиштириш учун курашиб, барча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ғўза парваришининг намунали ўтказилишида колхоз комсомолларининг хизмати ҳам анча катта бўлаётир.

Бу ерда ўртоқ Нишонбой Салимбоев раҳбарлигида алоҳида комсомол-ёшлар бригадаси тузилган эди. Бригада аъзолари қолоқ бригадаларнинг илғорлар қаторига етиб олишларида уларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Масалан, улар колхознинг «Шверник» участкасидаги 23- ва 24-бригадаларида бўлдилар ва ўт босган ғўзаларни чопиқ қилишда бригада аъзоларига кўмаклашдилар. Комсомолларидан Нурмат Жалолов, Ҳошим Деҳқонов, Али Қурбонов, Абдураҳим Бойқўзиев каби ўртоқлар айниқса яхши ишламоқдалар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти комсомол-ёшларнинг унумли ишлаши учун барча шароитни яратиб берган. Ҳар 10-15 кунда илғорларга мукофот берилиб, улар рағбатлантириб турилади.

А. НУРМАТОВ.

Октябрь райони.

Мусобақадош бригадаларда

Ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган Янгийўл районидаги «Москва» колхозининг 2-бригадаси юқори ҳосилли бригадалардан ҳисобланади. Бригаданинг 53 гектар ердаги ғўзаси иккинчи чопиқ ва тўртинчи культивацияда чиқарилди, ҳозир қондириб суғорилмоқда. Ғўза парваришининг сифатли ўтказилишида Аҳмад Умаров, Сотимбой Мирзакаримов, Раиса Салташева, Тожинисо Раҳимова каби меҳнатсевар колхозчилар айниқса ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Шу кунларда бригаданинг барча майдондаги ғўзаси бир текисда кўсакламоқда.

Бу бригада билан мусобақадош 1-бригада аъзолари ҳам ғўза парваришини тобора кучайтирмоқдалар. Бригаданинг 60 гектар майдондаги ғўзаси нормал ривожланмоқда. Бу муваффақиятларнинг қўлга киритилишида колхозчилардан Бувинисо Расулева ва Муқаддам Абдураҳмонова каби ўртоқларнинг хизмати айниқса катта.

Мусобақадош бригада аъзолари июль ойида ғўзани камида икки марта комплекс парваришдан чиқариш тўғрисидаги сўзларини амалда бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Х. БЕКМИРЗАЕВ.

Кекса механизаторнинг муносиб совғаси

Саратоннинг жазирама кунлари. Пахта далаларида ҳаёт қайнайди. Шундай долзарб кунларда пахтакорлар билан бир қаторда механизаторлар ҳам жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар.

Биз Охунбобоев номли колхозга келганимизда ана шу механизаторларнинг энг ишчани, кўп йиллик тажрибага эга бўлган Доирабой ака билан танишдик. Дарвоқи, унинг расмини ҳали 2-МТСдан келаётганимизда «Ҳурмат тахтаси»нинг энг юқорисида кўрган эдик.

— Доирабой акага қойилмиз,— дерди биз билан суҳбатда 5-бригада бошлиги ўртоқ Г. Раимов, — келганига оз вақт бўлди-ю, тезда машинани янги усулга мослаб олди. Культивация қилишини қаранг, — бригадир қўли билан «универсал» юраётган томондаги ғўзаларни кўрсатиб, сўзида давом этди, — бир туп кўчатни ҳам нобуд қилмасдан ҳайдайди-я! Умрингдан барака топкур, асл механизатор-да! Ўтган йили ҳам бизнинг бригадада хизмат қилиб, 85 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш ишига катта ҳисса қўшган эди, азамат. Ҳозир ҳар куни 10-12 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб, бошқаларга намуна бўлаяпти.

Мана, Доирабой ака картанинг сўнгги этатини культивация қилиб бўлди-да, кейин биз билан суҳбатлашиш мақсадида шийпонга келди, бу палла тушки овқат маҳали эди.

— Доирабой ака, район партия комитети ва район ижроия комитетининг «Фахрий ёрлиғи» билан табриклаймиз, — дейишди шунда шийпонга йиғилганлар бир овоздан.

— Раҳмат, — Доирабой ака камтарлик билан деди, — бу фақат менинг хизматим эмас, барчамизники...

Биз унинг ишлари билан қизиқдик. Суҳбатда маълум бўлишича, у тракторчиликни бундан 27 йил илгари шу МТСда бошлаган. Дастлабки вақтларда «фордзон» деган кичик трактор колхозга келтирилганида, кишиларнинг кўпчилиги ҳайратда қолган эди. Ўшанда бу воқиа Доирабой акада ҳам катта қизиқиш туғдирди. Кўпчилик қатори у ҳам тракторчилар тайёрлов курсига кириб, тез орада бу курсни битириб чиқди. Дастлабки йилларда ўз иши соҳасида анча қийинчиликларни бошидан кечирди, тўғрироғи, тажрибасизлик қилди. Лекин у ҳеч бир иккиланмай, ўз касбини мукаммал эгаллаб олиш учун курашди. Ниҳоят, Доирабой ака мақсадига эришди, икки-уч йил ичида моҳир механизатор бўлиб етишди. Янгиликни тезда пайқаб ола биладиган, ўткир зеҳнли бу киши ҳозиргача 10 дан ортиқ ҳар хил тракторларни ҳайдашни биладиган ва ҳар қандай янги машина келса, уни тезда ўзлаштириб оладиган бўлиб қолди.

— Устозимиздан миннатдормиз, — дейди мамнуният билан Б. Абдураҳмонов, —унинг ёнига келиб ёрдам сўрасангиз, ҳеч қачон йўқ демайди. Узининг қимматли маслаҳатлари билан ёшларга кўмаклашади. Қийинчилик бўлса, руҳингни кўтаради. Мени ҳам 10 йил илгари шу касбга Доирабой ака ўргатган. Ҳозир мана, бригада механиги бўлиб ишлаётирман.

Ҳақиқатан ҳам ўртоқ Доирабой Қўшмонов ўзининг узоқ йиллик иш фаолиятида бир неча ўнлаб шогирдларни етиштирди. Б. Абдураҳмонов, И. Алимов, А. Бўрибоев каби илғор универсалчилар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири мавсумда 1200 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олган. Улар шу кунгача 600-700 гектардан ердаги ғўзани культивация қилиб, устозлари Доирабой акадан қолишмаётирлар.

— Ҳали олдимизда катта ишлар турибди, — дейди моҳир механизатор, — бу тўпланаётган ҳосилни сира нобуд қилмай, тўла сақлаб қолиш ва ҳосилга-ҳосил қўшиш учун курашишдан иборат. Бу йил 7 ноябрда Совет давлати 40 ёшга тўлади. Шу куни республикамиз пахта планини бажаради. Ҳар бир киши ана шу катта тўйга тўёна олиб борганидек, биз ҳам ўзимизнинг ҳалол меҳнатимиз билан муносиб совға тайёрлаш учун курашамиз.

А. ИСМОИЛОВ,

2-Оққўрғон МТСи.

Оширилган мажбурият асосида

Ўртасарой районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзолари 720 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Колхозчилар, механизаторларнинг бир жон-бир тан бўлиб ишлаганликлари, ғўза парвариши агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилганлиги туфайли ғўза тупларида мўл ҳосил тўпланмоқда. Колхозчилар ана шуни ҳисобга олиб, ўз зиммаларига янги, гектаридан 25 центнердан эмас, балки 30 центнердан «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олдилар ва ғўза парваришини янада қизитиб юбордилар. Ҳозиргача барча майдонлардаги ғўза 3 марта комплекс парваришдан чиқарилди.

Колхознинг ўртоқ Абдураимов бошлиқ бригада аъзолари 75 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштириш учун курашиб, ғўза парваришида олдинда бормоқдалар. Яқинда бу бригадага колхознинг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Райондаги 1-МТС механизаторлари колхоз пахтакорларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Универсалчилардан Аҳмад Асилов Йўлдош Қозоқбоев, Икром Тожиметов ва Парпи Солиев ўртоқлар кундалик топшириқни бир ярим-икки ҳиссага етказиб адо этмоқдалар.

— Биз, — дейди колхоз раиси ўртоқ З. Жалолов, — ғўзаларни суғоришга, сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга катта эътибор бераётирмиз. Бу ишга тажрибали сувчилардан 67 киши ажратилган. Ғўзани тунда суғоришни ҳам яхши йўлга қўйганмиз. Илёсхўжа Олимов ва Нишон Солиев каби сувчилар ғўзаларни қондириб суғориб бошқаларга намуна бўлишаяпти.

Х. АБДУВАЛИЕВ.

Уюшқоқлик билан

Киров номли колхознинг ўртоқ Қ. Умаров бошлиқ 5-бригадасида ғўза парвариши илғор агротехника қоидаларига тўла амал қилинган ҳолда намунали ўтказилаётир. Илғор колхозчилардан М. Омонова, Б. Рисбоева, А. Ҳолйигитова каби ўртоқлар кундалик чопиқ нормаларини 1,5-2 ҳиссага етказиб бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Ғўзалар ўз вақтида қондириб суғорилаётганлиги, озиқлантириш, культивация ишлари уюшқоқлик билан ўтказилаётганлиги туфайли ғўза серҳосил бўлиб ривожланмоқда, ҳар туп ғўзада 4-5 тадан бўлиқ кўсак бор. Илғор бригада аъзолари 82 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш учун шу кунларда ҳам ғўза парваришини зўр уюшқоқлик билан ўтказаётирлар.

А. ЗИКРИЛЛА.

Октябрь райони.

Кузда дард қолмаслик учун шу кунларда яхшироқ ишлайлик

Районда бўлган мажлисларнинг бирида «Победа» колхозининг раиси ўртоқ Бегимқулов: «ғўзамиз ўтган йилгидан анча яхши», — деб қатта кетди. Шундай бўлса. яхшия аммо ўртоқ Бегимқулов унутмасин, бугунги қўсакка-жўсак қўшилмаса, гап қуруқ гаплигича қолиб, хирмон кўтарилганда уялиб қолиш мумкин. Шу хилдаги мақтанчоқлар бизнинг колхозда ҳам топилади. «Қизил Октябрь» колхозидаги ўртоқ Жалилов бошлиқ бригаданинг ғўзаси ҳақиқатда ёмон эмас, ўрта ҳисобда 2-3 тадан кўсак олган. Бироқ бугунги кўсакни кўриб мағрурланиб, ишни бўшаштирган деҳқон ҳосилга-ҳосил қўшиш ўйқда турсин, борини ҳам камайтириб юборади, кейин афсусланади.

Халқимиз «жўжани кузда санаш керак» ,«чучварани хом санама» дейди. Ғўзанинг кўкига кўзи қамашган баъзи ўртоқлар кетмонни чеккага суриб, «универсал»га қиё боқмай, соя-салқинда қўзлаб қолдилар. Деҳқоннинг мақсади ҳосилни кўпайтириш. Сўз билан, чираниш билан кўсак кўпаймади. Ҳосилинг мўл бўлаётган экан, балли сенга, яна белингни маҳкам боғлаб ишла!

Сира-сира унутмаймиз, ўтган йили районимизда қизиқ ҳодиса бўлган эди: айни шунақа маҳалда, «бу йил пахта мўл бўлди, планни ўйнаб-ўйнаб бажарамиз» деган гап тарқалди. Ҳақиқатан ҳам бир қараганда ҳосилнинг мўллигига ҳар бир киши қанот ҳосил қила оларди. Чунки бултур кўклам ҳам, ёз ҳам деҳқон учун қулай келган эди. Битта хайбаракаллачининг ёнига иккинчиси, учинчиси, борингки, раҳбарлар ҳам қўшилди. Бор ҳосилни эрта етилтириш, уни кўпайтириш чоралари кўрилмади. Хўш, оқибат нима бўлди? План судралиб юриб аранг бажарилди. Бевақт чираниш, мақтаниш, ҳотиржамлик кайфиятига берилиб кетишнинг оқибати шу бўлди. Ахир об-ҳаво энг қулай келган йилда шунчалик бўлди, агар бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида тузукроқ ишламасак, йиғим-терим даврида қўлимиз пасайиб кетиб, планни ўринлатолмай мусобақадошлар олдида гапимиз-гапимизга қовушмай қолади.

Бу йил юкимиз анча оғир, районимиз меҳнаткашлари бултургидан кўра кўпроқ ҳосил етиштиришлари, давлатга 25.500 тонна пахта топширишлари керак. Яна бир марта таъкидлаймиз, бу йил об-ҳаво ноқулай келди, катта қийинчиликлар юз берди, баҳорда ердан нам тез қочди, сув камчил бўлди, чигит кеч униб чиқди, ҳаво тез исиб кетмаганидан ғўза узоқ вакт нимжон бўлиб, ердан бағрини кўтара олмай тўрди. Ғўзамиз ўтган йилга нисбатан анча кеч ривожланиб, кеч амалга кирди. Тўғри, бу ғўзаларни ишлов бериб ўнглаб олгунча, ростмона ғўзалар қаторига келтиргунча ҳаммамиз ҳам озмунча тер тўкмадик. Бу йилги шароитни тўғри ҳисобга олиб, ишни сира бўшаштирмаган илғор бригадалар районимизда кўп. Куйбишев номли колхознинг Ҳакимжон Рустамов, «Қизил Октябрь» колхозининг Қўчқор Маҳкамбоев, Исломбой Шералиев, Абдиназир Умирзоқов, Карл Маркс номли колхознинг Жумабой Йўлдошев, Максим Горький номли колхознинг Бекалиев ўртоқлар бошлиқ бригадалари бунга мисол бўла олади. Бу каби бригадаларда ҳозир ҳам ғўза парвариши қизғин давом этмоқда. Ғўзани чеканка қилиш, ҳосилга-ҳосил қўшиш учун кураш кучайтирилган. Бу илғор бригадалар шу кунларда ғўза қатор ораларини омоч билан чуқур юмшатиб, ғўзанинг серҳосил бўлиши учун шароит яратмоқдалар.

Лекин, ҳамма бригадаларда ва ҳамма колхозларда ғўзанинг ҳозирги ривожи олинган мажбуриятга яраша, деб бўлмайди. Яқинда мусобақадош Гулистон районидан келган ўртоқлар ўтказган ўзаро текшириш вақтида районимизда 2 минг гектардан кўпроқ яхши ҳосилга кирмаган, қўшимча парвариш қилиш лозим бўлган, паст ғўза борлиги, колхозларда 14 та бригада қолоқлиги, шу кунларда бир қатор колхозларда «универсал»лар тўхтаб қолганлиги, умуман ишда бўшашувчилик пайдо бўлганлиги аниқланди.

Унутмайлик, шу кунларда жон ачитиб ишламаган деҳқон дард қолади. Ҳозирги пайтда сал эҳтиётсизлик қилиб қўйиб, яхши ғўзани ёмон аҳволга тушириш, ҳосилни камайтириб юбориш мумкин. Кўпинча билармонлик қилиб, ишнинг пачавасини чиқариб қўядиганлар ҳам йўқ эмас. Куйбишев номли колхознинг бригада бошлиғи ўртоқ Ўринбой Толиев тажрибали деҳқон, лекин у шароитни тўғри ҳисобга олмайди. У, бултур ҳам шундай бўлган эди, «менинг бировдан ўрганадиган жойим йўқ...», деб қатта кетди, ғўзага сув беришни кечиктириб юборди. Натижада 30 процентга яқин ердаги ғўзаси сувсизликдан ўсишдан қолган. Шу колхознинг ўртоқ Серкабой Исаев бошлиқ бригадасида ҳам ғўзанинг ривожи паст, ҳосили кам. Шунга қарамай, бригадада иш бўшашиб кетган. Серкабой ака ҳам, Ўринбой ака ҳам йўл қўйган камчиликларини тезда тузатишлари, ғўза парваришини кучайтириб юборишлари керак.

Ҳозир сувдан тўғри фойдаланиш энг масъулиятли ишдир. Лекин баъзи кишилар бу ишга бефарқ қарамоқдалар. «Қизил Октябрь» колхозидаги Зипар Лазиев бошлиқ бригаданинг 30 гектар ердаги ғўзаси чанқаб ётган бўлса ҳам, бироқ ундан ҳеч ким хабар олмаётир. Норбой Турсунов бошлиқ бригадада ҳам шундай камчиликлар борлиги аниқланди, лекин тузатиш учун бирор киши қайғирмаётир. Ўртоқ Жалилов бошлиқ бригадада қўлланиб суғорилганидан ғўза саргайиб кетган, сув исроф қилинган. Бу хилдаги фактлар бошқа колхозларда ҳам бор.

Кўп вақт ғўза чеканка қилинганидан кейин баъзи кишилар энди ишимиз битди деб ғўза парваришини тўхтатиб қўядилар. Бу мутлақо зарарлидир. Шу кунларда серҳосилли деб ҳисобланган майдонларда ҳам ғўза парваришини бўшаштириб бўлмайди.

Биз ғўзани ўстириш учун кураш олиб борган бўлсак, энди кўсакларни кўпайтириш ва уни семиртириш учун ҳаракат қилишимиз керак.

Ғўза парваришини бундан кейин ҳам тўхтатмай давом эттиришда МТС механизаторларининг роли ғоят катта. Аммо кейинги кунларда Карл Маркс номли колхозда 4 та, Максим Горький номли колхозда 5 та, Свердлов номли колхозда 6 та «универсал» бузилиб, кўп вақт бекор туриб қолмоқда. Бошқа колхозларда ҳам шундай аҳвол юз бераяпти. Аммо МТС директори ўртоқ Холбоев ҳам, МТСнинг бош инженери ўртоқ Подольский ҳам бунга бефарқ қараб, «универсал»ларнинг бетўхтов ва нормал ишлашини таъминлаш тўғрисида бош қотирмаётирлар. Айниқса ўртоқ Подольский колхозларга сира бормайди, механизаторларга яқиндан ёрдам бермайди. Афтидан, МТС раҳбарлари ҳам энди ишимиз битиб қолди деб ўйлаётганга ўхшайдилар. Улар август ойида ҳам ғўзани тўхтовсиз парвариш қилиш лозимлиги тўғрисида, ҳосилга ҳосил қўшиш, олинган мажбуриятни сўзсиз бажариш тўғрисида ўйламай қўйганга ўхшайдилар.

Киши бир иш қилганда пировардида дард қолмайдиган, аттанг демайдиган, биров кўрса «қандингни ур, азамат» дейдиган иш қилсин. Агар биз август ойида ҳам ишни бўшаштирмай давом эттирсак, ҳосилимизга-ҳосил қўшилса, мажбуриятимизни сўзсиз бажарамиз. Республикамизда 3 миллион тонна пахта етказиш ишига муносиб ҳисса қўшамиз. Планни бажариб, ишни қойил қилсак, ҳамма бизга «қандингни ур, азаматлар» дейди. Бунинг муҳим шарти август ойида ҳам ғўза парваришини бетўхтов давом эттиришдан, ҳар қандай бўшашувчиликка, мақтанчоқликка, ҳотиржамлик кайфиятига зарба беришдан иборатдир.

Я. ПИСКОРСКИЙ.

Верхне-волинск районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг раиси.

Ш. ЖУМАНОВ,

Карл Маркс номли колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари.

Х. РУСТАМОВ,

Куйбишев номли колхознинг бригада бошлиғи.

ЁЗУВЧИЛАР ДЕКАДАГА

Тўқайдаги жиноят*)

Ҳамид ҒУЛОМ

Ботирали бугунги овидан мамнун бўлса ҳам, бу манзарани кўрганда ўзини босиб туролмади-да, қушлар галасига ўқ уза бошлади. Қирғовуллар қамишлар орасига тап-тап йиқилди. У, ўлжаларини йиғиб олишда «Лочин»га кўмаклашиш учун ўша томонга югурди. Қамишлар орасига яшириниб, бояги шарпа шу пайтдан фойдаланди. Ботирали икки қадамча нарига тушган қирғовулни олиш учун эгилган эди, орқасидан милтиқ варанглаб отилди. Чап курагига санчилган ўқ зарби уни ганграти қўйди. У қаддини ростлолмай, «иҳ!» деб ерга мукаси билан тушди ва кўнгли озиб, йиқилган ерида жимиб қолди. Аммо «Лочин» қамишлар орасидан хаклаб келиб, ўзини шарпа кўринган томонга отди ва жон жаҳди-ла вовуллай бошлади. Бироқ ўша ердан отилган иккинчи ўқ «Лочин»нинг миясига қарсиллаб урилди. «Лочин»нинг энди вовуллашга ҳам, қимирлашга ҳам мажоли йўқ эди...

Ботирали қанча вақт беҳуш ётганини билмайди. У ўзига келиб, кўзларини очганда чап қўли ва чап оёғи увушиб, жонсиз бўлиб қолганини сезди ва шу қўлини кўтармоқчи бўлди-ю, бироқ бутун вужудида чидаб бўлмайдиган даражада аламли оғриқ сезди. Унинг ичида ўт ёниб, шу ўт алангаси аъзойи-баданини аста-секин қамраб қуйдираётганга ўхшади. Унинг бутун танасида мажол қолмагандай туюлди. Бор овози билан қичқирган эди, товуши чиқмади. У шу ётганча яна бир неча дақиқа ётиб қолди. Унинг кўз олдида: кўрпачада пишиллаб ўхлаб ётган жингалак сочлик Тўқин, бешиқдаги жажжи Учқун, болохона деразасидан алланималарни ишора қилиб турган лўппи юзлик Эъзозхон гавдаланди... Ботиралининг боши айланди, кўзи тинди ва энди ҳеч нарсани кўрмай қолди. Лекин унинг миясида ишлаб турди, наинки, «ичимдаги ўт пасаярмикан» деб, ердаги қорни ямлаб юта бошлади. Ана шунда тағин сал ўзига келди. Ожиз товуш билан: «Ло-чин», «Ло-чин!...» — деди. Лекин «Лочин» ҳадеганда жавоб беравермади. Ботирали ўзидан икки қадамча нарида ётган милтиғига ўнг қўлини узатдию лекин қўли унга етмади. Шунда у, белидаги гилофда «наган» борлигини эслади ва қўлини ёнига узатиб, «наган»ни не машаққат билан гилофдан чиқариб олди-да, жон аччиғида қарсиллатиб отабошлади. Ҳамма ўқи тамом бўлгунча отди. Кейин, яна ҳушидан кетди...

* * *

Тўқайга келиб тақалган ерининг этагида хотини билан бирга зовур қазиётган Қамчи шу яқинда қаторасига отилган ўқ товушларини эшитиб, қамишзорга қараганча аграйиб қолди.

— Қумри, Қумри, — деди у, зовур ичида эгилиб, кетмон билан лой чиқараётган хотинига. — Тўқайда бир гап бўлганга ўхшайди!..

— Ҳая, — Қумри ҳам қаддини ростлади-да, ўқ товуши келган томонга қулоқ солди. — Овчилар бунақа отишмайди... Бориб қарамайсизми-а?

— Ҳарқалай, бориб кўрайчи! Қамчи зовурдан сакраб чиқиб, кетмонини уйиб қўйилган тупроқ устига қўндирди.

— Сен ҳам зовурдан чиқ, бир оз дам ол! — деди у хотинига, тўқайга кириб кетатуриб.

Қамчини тўқайга юборишга юборибқўйиб, Қумрининг кўнгли ваҳимага тўлди. «Бу нима қилганим, уни ёлғиз юбориб?... Яна бирор фалокат...». Шу фикрни ўйлаганда Қумрининг юраги орқасига тортиб кетди. У кетмонни зовур чеккасига отди-да, чуқурдан сакраб чиқди ва лой қўлларини қорга ишқалаб ювиб, катак чит рўмолининг бир учига артди ва кейин, ўйлаб-нетиб турмай, қамишзорнинг Қамчи кирган ерига кириб кетди.

Эр-хотин тўқай ичида анчагача туртиниб-суриниб юришди. Аммо уларга ҳеч ким учрамади. Фақат изғирин шамол ўқтин-ўқтин шовқун кўтариб турди. Қамчи охирги марта қаторасига ўқ отилган жойни таҳминан мўлжалга олган бўлса ҳам, тўқайга кирганда мўлжалидан адашди. Айниқса, шамолнинг чийиллаши унинг қулоғини битириб юборди. У мушук тери телпагини қўлига олиб, қорини қоқиб, бошқатдан кийди, қош-кипракларига ўрнашган қор учқунларини кафти билан сидириб ташлади. Теварак-атрофга ола-зарак қараб, бир нафас қулоқ солиб турди.

— Овчилар экан-да, — Қамчининг кўнгли хотиржам тортиб, хотинига ўйчан боқди. — Кетиб қолишган...

Аммо Қумрининг хаёлини қоплаган шубҳа тумани тарқалмади:

— Тузукроқ қарайлиқчи!

Эр-хотин тўқайда яна бир неча дақиқа кезиб юришди.

— Юр, энди, ишдан қолмайлик! — Қамчи, қор тагидаги балчиққа бир оёғи тушиб қолган Қумрининг қўлидан тортиб кўмаклашди. — Ҳў-ўп! — деб юбор!

Қумри «ҳў-ўп» — деб, оёғини балчиқдан чиқариб олди.

— Аблаҳ бойингдан бизга теккан ер шу! — Энди ўзи балчиққа ботиб қолган Қамчи тўнғиллади.— Бу ботқоқдан қутилар кунимиз ҳам бормикан!..

— Нега менинг «бойим» бўлади? — Қамчининг гапи Қумрига алам қилди. — Оғзингизга қараб гапиринг!

— Гапнинг сирасини айтаманда, ер эмас — азоб!

— Анави нима?! — Қумрининг кўзи юқгачна қор тагидан билинар-билинмас кўриниб турган қорамтил нарсага тушди. — Қаранг-а!

Қамчи хотини кўрсатган нарсанинг тепасига бориб, оёқ учи билан туртиб кўрди.

— Ит, — деди у, ўлиб ётган лайчанинг орқа оёғидан судраб, устидаги қорни туширар экан. — Қонга беланиб ётипти бечора... Биров отиб кетганга ўхшайди буни!— Қамчи итни уёқ-буёққа айлантириб кўрди. — Пешонасидан отипти... Қизиқ... Мен буни танигандай бўлаётипман... Кимнинг лайчаси эди-я, бу?

Шу вақт Қамчининг бошига тўсатдан келган фикр унинг аъзойи-баданини музлатиб юборди. Йигитнинг вужудини қалтироқ босди, тили ғўлдираб, айтмоқчи бўлган гапини айтишга ботинолмай қолди. Лекин бу гап, бу ҳақиқат шундай бир зўр нарса эдики, уни айтмаса, у юрагига сиғмай, кўкрагини ёриб чиқиб кетишга қодир бир нарсадай туюлди.

— Қумри! — деб бақириб юборганини Қамчи ўзи ҳам билмай қолди. — Қумри! ...Бу — «Лочин»!!!

— Қанақа лочин? — Эрининг нима демоқчи бўлганини тушунмай, Қумри ҳайрон бўлиб сўради. — Бу нима деганингиз?

— Бу — раиснинг «Лочини»! Тушундингми? Ботирали акамнинг ити!

— Вой ўлмасам! — Қамчини ҳозиргина даҳшатга солган фикр энди Қумрининг ҳам юрагини ларзага келтирди. — Буни ким отиб кетади?

— Ҳамма гап шунда-да... Юр, уёқ-буёқни қараб кўрайлик!

Бир-бирининг қўлини маҳкам ушлаб олган эр-хотин икки қадам ҳам юришга улгурмади: улар оёқлари остида, бағрини ерга бериб, чўзилиб ётган одамни кўрдилар.

— Раис! — қичқирди Қамчи, Ботирали ётган томонга отилиб. — Ботирали акам!..

Ботирали Қамчининг товушини эшитдими, эшитмадими, ҳарқалай, индамади: қандай ётган бўлса, ўшандай ётаверди.

— Номардлар раиси отиб кетишипти!!!

Қўрқув ичида даг-даг қалтираётган Қумри эрининг ёнига ўтиб, унга кўмаклашди: эр-хотин, беҳуш ётган Ботиралининг устига эгилиб, уни суяб, ўтқазиб қўймоқчи бўлишди. Қамчи унинг чап қўлидан кўтармоқчи бўлганда, бу қўл шилқ этиб ерга тушди ва чарм пальтонинг енгидан қон силқиб чиқди.

Қумри Ботиралининг пальто, кўйлак тугмаларини ечди, унинг юзига сачраган қон томчиларини рўмол учи билан артиб қўйди. Қамчи раиснинг ўнг қўлини ўз тиззасига олиб, томирини ушлаб кўрди:

— Томири ураётипти! Тирик!— ҳовликиб гапирди Қамчи.

— Хайрият! — Қумрининг кўзларида умид учқунлари чақнади.

— Чап курагидан отишипти! — Қамчи Ботиралининг қон ўйилиб қолган курагини, биқинини, белини силаб кўрди, кейин, унинг ерда чўзилиб қолган чап қўлини кўтариб, кўкрагига олиб қўйди. — Чап оёгига ҳам ўқ тегипти... Бу—душманнинг иши, Қумри, ҳа, режа билан қилинган иш...

Қумри рўмолини, париллатиб йиртиб, Ботиралининг қон томиб турган чап қўлининг билагини маҳкам боғлади. У боғлаётганда Ботирали ожиз товуш билан бир инградию, яна жимиб қолди.

Қамчи Ботиралининг белидан суяб, аста кўтарди, Қумри унинг оёқларини ўз қўлларига олди. Қамчи, қамишларни боши билан икки ёққа ёриб, тўқайдан чиқа бошлади. Бир неча дақиқа ўтгач, улар Ботиралини тўқай чеккасига олиб чиқдилар. Қамчи тўнини ечиб, қорга ёзди. Ботиралини шу тўн устига авайлаб ётқизишди.

— Гузар анча йўл, — деди Қамчи хотинига.—Сен шу ерда тур, мен Мавлон аканинг аравасини олиб келай!

— Тезроқ келинг!

Қўйлакчан Қамчи зовурдан хатлаб ўтиб, Мавлон аканинг ер этагида кўринган ўтган янги қамиш томлик уйи томонга, шудгорни кесиб югурди...

Боягина бир навъи ёғиб турган қор энди далаёқдан эсаётган аччиқ изғирин билан бўралаб уриб берди. Совуқ ҳам зўрайиб, юз-қулоқни кесиб кетгудай таъсир қила бошлади. «Қамчи ўпкасини совуққа олдирмаса қошкийди...»—ўйлади Қумри, эри қорбўрон ичида кўздан гойиб бўлгандан кейин. Аммо аллани-ма деб ғўдирлаган Ботирали унинг хаёлини бўлди. У кўзларини очдию, бироқ кўриб турган нарсаларини: бошига эгилган бегона хотинни ҳам, пахта толаларидек лахта-лахта бўлиб тушаётган қорни ҳам идрок этмади шекилли, бир нафас маъносиз тикилиб тургандан кейин, кўзларини яна юмди. Унинг гапиришга мажоли етмаганлигини Қумри унинг лабларининг ожиз қимирлаганидан фаҳмлади. «Бирор нима демоқчию айта олмаётипти. Балки, отган одамнинг отини айтмоқчидир.— Қумри ўзича шундай деб ҳукм қилди. — Ёки, Эъзозхонни чақираётиптими? Болаларини сўраётиптими?...»

Қумри Ботиралининг қулоқчинини туширибқўйинигача тортиб қўйди-да унинг лаблари, юзи тобора докадек оқариб, кўзларининг ости кўкариб бораётганини кўриб, қўрқуви яна ҳам ортди. У қўлига қор олиб, кафтида эритди ва «ҳушёр тортармикан» деб, ярадорнинг оғзига томизди. Ботирали аста тамшанди. «Хайриятки, — Қумри сал дадилланди ва ерга тиз чўккалаб қибла томонга қараб, қўлини дуога очди:— Худоёвҳудовандо. болаларининг раҳмини е!...»

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, зовур бўйлаб кетган дала йўлида, бўралаб ёғаётган қорбўрон ичида арава кўринди. Қамчининг келишини тоқатсизлик билан кутиб турган Қумри, қўлини ўша томонга силкитиб, қичқирди:

— Тезроқ! Тезроқ келсангизчи!

Арава яқинлашмасданоқ Қамчи ундан сакраб тушди-да, шу томонга югурди. От миниб келаётган Мавлон ака ёввош отининг сағрисига босиббосиб қамчин урди.

—Қалай, раис кўзини очдими?— Қамчи азбаройи ҳовлиққанидан, нафаси бўғзига тиқилиб, хотинидан сўради. — Ҳеч нима дедими?

— Кўзини очдию индамади...— Қумри маъюс жавоб берди. — Назаримда, бадани совўётганга ўхшайди... Гузарга тезроқ етказайлик!

— Бевақт фалокатни қаранглар-а! — Мавлон ака ярадор яқинида аравани тўхтатиб, эгар қошига осилиб, отдан тушар экан, афсусланиб бошини чайқади.—Хе, афсус... Қамчивой, қани, ранси аравага олайлик!

Қамчи билан Мавлон ака Ботиралини оҳиста кўтариб аравага олдилар. Бу вақт Қумри аравага чиқиб, Мавлон ака уйидан олакелган кўрпачани ёзди ва Ботиралини ётқизиб қўйишда эркакларга кўмаклашди. Кейин, эр-хотин ярадорнинг ёнига ўтиришақолди. Мавлон ака эгарга миниб, бечора ёввош отга яна қамчи урди:

— Чу, жонвор, қадамингни кўрсат!...

* * *

...Арава Жамоа болохонаси олдига келиб тўхтади.

Учқунни яқиндагина бешикдан ечиб олиб, бағрида эмизиб ўтирган Эъзозхон деразадан кўчага қараган эди, кўзи аравага тушди. У аравада ётган эрини кўрди. Кўрдию... «дод!» —деб, ўзини кўчага отди. Унинг болаларига нисиқ зоғора нон ёпиб, йўқлаб келган Тозагул унинг қўлидан, этагидан тутиб қолмаса, у боши билан ерга тушарди.

Эъзозхоннинг фарёдини кўчада йиғилганлар эшитди. Унинг қулфати, дарди, алами шу «дод!» деган биргина сўзга тўпланганлиги; унинг бутун кучи, дармони шу биргина сўзни айтиш билан тугаганлиги; шу сўз юрагидан отилиб чиқиши билан унинг эси, ҳуши ҳам миясини тарк этганлиги шундан маълум бўлдики, шу фарёддан кейин, Эъзозхон, қалбини ўқ тешиб кетган қушдай, ҳушсиз, мадорсиз йиқилди. Тозагул уни бағрига олиб, қўйлагининг енги билан елпийбошлади...

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

*) «Машъал» романидан бир боб. (Боши газетамизнинг 27 июль сонида).

РЕПОРТАЖ

„Ташминвода“ шифохонасида

Меп билан бирга келаётган ҳамроҳим шифохона дарвозаси олдига келгач, тўсатдан тўхтаб қолди. У атрофга завқ билан назар ташлади.

— Манд шу оппоқ пахтадек уйлар қад кўтариб турган ерлар, — деди ҳамроҳим менинг унга савол назари билан қараб турганимни сезгач, — яқиндагина қақроқ чўл эди. Иссиқ сув чиққач, давлат жуда катта маблағ сарфлади. Мана энди ўзингиз кўриб турибсиз бу ерларнинг қай даражада обод бўлганлигини. Мамлакатимизнинг барча ерларидан турли касб эгалари бу ерга шифо истаб келмоқдалар.

Биз шифохона ҳовлисига кирдик. Пўлканинг икки томонига ўтказилган дарахтлар чўл шабадасида эринибгина тебраниб турибди. Энгнига йўл-йўл халат кийиб олган беморлар шифохона ҳовлисида сайр қилиб юрибдилар.

Ўнг томондаги кўркам бино киши диққатини ўзига тортади. Унинг олдига ўтқазилган дарахтлар бино ҳуснита-ҳусн қўшиб турибди. Ҳовлининг этак томонидаги каттагина кўл юзи қуёш нурида жилваланмоқда.

Биз пештоқига катта-катта ҳарфлар билан «Ванна» деб ёзиб қўйилган шинамгина бино олдига яқинлашганимизда, ичкаридан ўзаро гурунглашиб чиқиб келаётган беморларни учратдик. Энгнига оқ халат кийиб олган, ўрта ёшдаги, истараси иссиқкина врач беморларни меҳрибонлик билан кузатиб қўймоқда эди.

— Дина Семёновна, Сизга катта раҳмат, роса маза қилдик, — деди беморлардан бири ҳалиги жувонга мурожаат қилиб.

Дина Семёновна Моргулиснинг номини бу ердагиларнинг ҳар бири алоҳида иззат ва ҳурмат билан тилга олади. У касалларга ғамхўр ва меҳрибон, беморларнинг кўнгли нимани истаётганлигини ўз вақтида пайқай олади.

«Ванна»дан чиққан ҳалиги беморлар корпус ёнидаги шийпонга бориб, ўзаро гуринглашиб ўтиришибди. Шийпон олдидаги гулларнинг ҳидини шамол думоққа олиб келиб урмоқда. Беморлар орасида ишчилар, хизматчилар, колхозчилар ва бошқа касб эгаларини учратиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси шифохона ходимларидан миннатдор.

Биз Самарқанд областининг Қўшкўрғон районидаги «Октябрь 30 йиллиги» колхозидан келган Омон Шодиев билан суҳбатлашдик.

— Врачларга, умуман шифохонанинг барча ходимларига ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак ҳам оз,—дейди у. — Мен уч йилдан бери бод ва экзема касали билан оғриб эдим. Районимиздаги врачларга кўрсатдим, бироқ унинг натижаси оз бўлди. Мана бу ерга келганимга ҳозир 15 кун бўлди, ўзимни жуда яхши ҳис қилаётирман, касалимдан асар ҳам қолмаганга ўхшайди. Мен каби беморларга ғамхўр ва меҳрибон бўлган шифохона ходимларини бир умр эсдан чиқармайман.

Колхозчи Омон Шодиевга ўхшаб ўз дардига шифо топиб кетаётган беморлар жуда кўп. Ленинободлик А. Ҳолиқов, мирзачўллик М. Мирзаҳўжаев, верхне-волинсклик К. Мирахмедов ва бошқа жуда кўп кишилар шулар жумласидандир. Шифохона очилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу ўтган қисқа муддат ичида 10 мингга яқин киши бу ердан ўз дардига даво топиб кетди.

Биз шифохонанинг бош врачи ўртоқ К. Ҳошимов билан суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, кейинги вақтларда шифохона территорияси ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга қаратилган кўпгина тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, кейинги бир йил мобайнида 50 киши учун мўлжалланган икки қаватли стационар биноси, тўрт гараж, 25 кишилик аёллар корпуси, каттагина ҳажмдаги кўл қурилди. Шу кунларда 50 кишилик икки қаватли стационар биносининг охирги пардоз ишлари олиб борилмоқда. Бино беморларнинг истиқомат қилиши учун зарур бўлган ҳамма инвентарлар билан тўла таъминланган.

Шифохона территориясини кўкаламзорлаштиришга, айниқса, алоҳида эътибор берилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзидагина корпус ва бинолар атрофига 20 минг туп соя берувчи ҳар хил дарахт кўчатлари, 200 туп атиргул, 1500 туп ток кўчатлари ўтказилди. Шифохона территориясини кўкаламзорлаштириш ишларига агроном ўртоқ Н. Рустамов раҳбарлик қилмоқда.

Биз бош врач К. Ҳошимов билан биргаликда корпус хоналарини айландик. Хоналардаги тартиб ва осойишталик врач ва ҳамшираларнинг ўз вазифаларига муҳаббат билан қараётганликларини кўрсатиб турибди. Бу ерда беморларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратиб берилган. Шифохона кутубхонаси доимо китобхонлар билан гавжум бўлади, ҳар ер-ҳар ерда радио ва телевизорлар ишлаб турибди.

Хуллас, бу ерга даво истаб келган ҳар бир бемор меҳрибон ва ғамхўр врач ҳамда ҳамшираларнинг жон куйдириб ишлашлари туфайли қисқа муддат ичида ўз дардига шифо топиб, хурсанд ва мамнун бўлиб қайтади.

М. ЗАРИПОВ.

Суратда: Бир группа беморлар навбатдаги «ванна»ни қабул қилишга келмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Узоқ шаҳарларга практикага жўнаб кетдилар

Яқинда Тошкентдаги Белинский номли педагогика институтининг IV курс студентлари Мичуринск ва Ленинград шаҳарларига жўнаб кетдилар. Студентлар бу шаҳарларда бир ойлик практикада бўлиб, тарихий ёдгорликлар билан танишадилар, Мичурин боғига борадилар ва Ленинградлаги бутун дунёга машҳур бўлган ботаника боғи ва Эрмитаж музейидаги турли ёдгорликлар билан танишиб, институтда ўқиган назарий билимларини мустаҳкамлайдилар. Шунингдек, география факультетининг IV курс студентлари ўқитувчи О. Мўминов ҳамда география кабинетининг мудири Ҳ. Исломов ўртоқлар раҳбарлигида Челябинскка жўнаб кетдилар. Улар Челябинск орқали Уралга ўтадилар. Бу практиканинг асосий мақсади Уралдаги саноат корхоналари ва бошқа ерости бойликлари билан пухта танишишдир.

Н. КАБИРОВ.

Пахтакорларга ёрдам

Бўка. В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг юридик факультети студентлари райондаги пахтакор колхозларга чиқиб, ғўза қатор ораларига ишлов беришда колхозчиларга ёрдамлашдилар. Ғўза парваришини сифатли ўтказишда Р. Тошпўлатов, М. Нормуродов, М. Жуманиёзов каби студентлар уюшқоқлик билан ишладилар.

У. Ҳайдаров.

* * *

Октябрь. Райондаги 13 ва 7-мактаб ўқувчилари Ленин номли колхозда ғўзаларни чопиш, бегона ўтлардан тозалаш ишларида актив иштирок этмоқдалар. Ишчан ўқувчилардан Ж. Муродов, О. Улуғбоев, Ж. Шариповлар бошқаларга намуна бўлаётирлар.

Т. Имомов.

* * *

Оқиқўрғон. Тошкент чет тиллар институтининг 150 дан ортиқ студенти «Оқиқўрғон» совхозида ғўза чопиғида совхоз ишчиларига ёрдамлашди. Студентлар қисқа вақт ичида совхознинг катта майдондаги ғўзасини сифатли чопиқдан чиқардилар.

Қ. Курбонбоев.

* * *

Боёвут. Райондаги Булганин номли совхоз далаларида Политехника институтининг 650 студенти ғўзани парвариш қилишда иштирок қилаётир. Совхознинг 1-бўлимида меҳнат қилаётган химия-технология факультетининг 150 студенти намунали ишламоқда. Улар 2 кун ичида 150 гектар ердаги ғўзани чопиб бердилар.

Й. Бобоев.

Қисқа хабарлар

Тошкент области колхозларида катта майдонларда сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Яқин кунларда ана шу маҳсулотларни оммавий равишда йиғиб-териб олиш бошланади. Бу сабзавот маҳсулотларини асраш учун Оржоникидзе, Калинин ва Бўстонлиқ районларида 8 та сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қабул қилиб олиш ва уларни қайта ишлаш пунктлари ташкил қилинади.

Н. Шелешков.

* * *

Куйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг марказий усадьбасидаги бир гектарга яқин ерда 2,5 метр чуқурликда катта ҳовуз қазилди. Атрофи кўкаламзорлаштирилган бу ҳовузда 5 минг дона танга балиқ боқилмоқда. Бу, орадан маълум вақт ўтгач, колхозда ҳар йили 3 тоннадан кўпроқ балиқ маҳсулоти етиштириш имкониятини беради.

М. Ғозиев.

* * *

Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузурида саноат бошқармаси ташкил қилинди. Нон, пиво заводлари, мебель фабрикалари, эмалланган идиш-товоқлар ишлаб чиқарувчи заводлар, ўқув комбинати ва бошқа шаҳар аҳамиятига эга бўлган корхоналар ана шу янги бошқарма ихтиёрига топширилди.

Н. Жамбулов.

ИСКАНДАРИЯДА БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ

ИСКАНДАРИЯ, 26 июль. (ТАСС). Миср да 1952 йилги революцияга бағишланган байрам тантаналари давом этмоқда. Король Фаруқнинг ҳайдалганига бугун беш йил тўлганлиги нишонланмоқда. Бу воқиа Сувайш каналининг национализация қилинганига бир йил тўлиши билан бир вақтга тўғри келди.

Бугун тантаналар маркази Искандарияда бўлади. Ўтган йил президент Носир Миснинг Сувайш канали компаниясини национализация қилиш тўғрисидаги қарорини шу шаҳарда эълон қилган эди.

Байрам тантаналарида қатнашмоқ учун Республика президенти Жамол Абдул Носир, ҳукумат аъзолари, Миллат мажлисининг депутатлари, чет эллик меҳмонлар Искандарияга келдилар. Шаҳар милий байроқлар билан ва озодлик ташкилоти байроқлари билан, плакат ва транспорантлар билан безатилган. Марказий кўчаларда зафар арқалари қурилган.

Эрталаб Искандарияда ҳарбий парад бўлди, шаҳар стадионида ёшларнинг спорт байрами ўтказилди. Искандария университетининг студентлар шаҳарчасини очиш маросими бўлди.

Кечқурун Озодлик майдонида оммавий митинг чақирилади ва бу митингда республика президенти Носир нутқ сўзлайди.

ИСКАНДАРИЯДА МИТИНГ

ҚОҲИРА, 26 июль. (ТАСС). 1952 йилги Миср революциясининг беш йиллигини байрам қилиш муносабати билан бугун кечқурун Искандариядаги Озодлик майдонида бир неча юз минг киши иштирок этган оммавий митинг бўлди. Митингда қатнашиш учун Мисрнинг бошқа шаҳарлари ва вилоятларидан делегациялар Искандарияга келди.

Митингда президент Жамол Абдул Носир, Миллат мажлисининг аъзолари, министрлар ва чет эллик меҳмонлар ҳозир бўлдилар. Митингда президент Носир катта нутқ сўзлади.

Покистон демократик кучлари вакилларининг конференцияси

КАРАЧИ, 26 июль. (ТАСС). «Таймс оф Карачи» газетасининг хабар беришича, кеча Даккада атоқли Покистон сиёсий арбоби Мавлона Бхасани раислиги остида Покистон демократик кучлари вакилларининг конференцияси очилди. Конференцияда Шарқий Покистон ва Ғарбий Покистондаги турли округлардан қарийб бир минг делегат ҳозир бўлди.

Конференция умум Покистон асосида янги сиёсий партия тузишни кўзда тутган резолюцияни бир овоздан қабул қилди. Бу партия миллий халқ партияси деб аталади.

Резолюцияда, жумладан, кўрсатиладики, партия мамлакатни империализм зулмидан озод қилиш учун, халқнинг турмуш шароитини яхшилаш учун, конституция воситалари ёрдами билан мамлакатда демократия ўрнатиш ва Покистоннинг ҳар иккала қисмига автономия олиб бериш учун курашади. Конференцияда Мавлона Бхасани ва конференцияда қатнашувчи бошқа кўп кишилар сўзга чиқдилар.

ИНГЛИЗ ГАЗЕТАСИ Г. МАКМИЛЛАННИНГ Н. А. БУЛГАНИН БИЛАН УЧРАШУВИ ТАРАФДОРИ БУЛИБ ЧИҚМОҚДА

ЛОНДОН, 26 июль. (ТАСС). Кўп тираж билан чиқадиган «Дейли миррор» газетаси бугун босиб чиқарган редакцион мақоласига бош министр Макмилланни халқаро проблемалар ва Англия-Совет муносабатлари масалаларини муҳокама қилмоқ учун СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин билан учрашувга даъвот қилмоқда.

«Макмиллан, — деб ёзади газета, — Булганиннинг сўнгги мактубида унга берилган имкониятдан фойдаланиб, яқин орада русларнинг раҳбарлари билан учрашув тўғрисидаги таклифни илгари суриши керак. Эҳтимол, — дейди «Дейли миррор», — президент Эйзенхауэр бунга қўшилишни истамайди ёки қўшила олмайди, лекин Макмилланнинг бормай қолиши учун ҳеч қандай асос йўқ...».

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ПЕКИН, 26 июль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: 26 июлда Хитой Халқ Республикаси давлат кенгашининг ялпи мажлисида давлат муассасалари ходимларининг ишдаги услубни тартибга солиш ҳаракатида ва буржуа ўнг унсурларга қарши курашда қатнашуви тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда бундай дейилади:

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг халқи Хитой Коммунистик партияси раҳбарлиги остида ишдаги услубни тартибга солиш ҳаракатини ўтказмоқда ва буржуа ўнг унсурларга қарши жиддий кураш олиб бормоқда. Бу курашнинг мақсади социалистик революцияни ва мамлакатимиз давлат тузумининг асосларини ҳимоя қилишдир. Хитой Халқ Республикаси конституциясининг «Давлат органларининг ҳамма ходимлари халқ демократиясига садоқатли бўлишлари, конституцияга ва қонунларга итоат қилишлари ва ўзларининг ҳамма кучларини халққа хизмат қилишга» сарфлашлари лозим деган қоидасига биноан давлат органларининг ҳамма ходимлари бу ҳаракатда ва курашда қатнашишни ўзлари учун олижаноб бурч ва мажбуриятлар деб билишлари лозим. Шу муносабат билан давлат кенгаши қарор қилади: ишдаги услубни тартибга солиш ҳаракати ўтказилаётган ташкилотларда ишловчи ҳамма ходимлар бу ҳаракатда ва курашда актив қатнашишлари лозим. Улар бу ҳаракат ва кураш давомида қатъий позицияда туришлари, ҳақни ноҳақдан ажратишлари, буржуа ўнг унсурларнинг ҳамма гаплари ва ҳатти-ҳаракатларини охиригача очиб ташлаб қоралашлари ва шу тариқа ўзларининг сиёсий-мафкуравий онглиликларини оширишлари, камчиликларни жиддият билан енгишлари, мамлакатимиздаги социалистик революция ва социалистик қурилиш янада галаба қозонишни учун ўз ишларини яхшилашлари лозим.

Араб мамлакатлари халқлари Англиянинг империалистик сиёсатини қораламоқдалар

ЛОНДОН, 26 июль. (ТАСС). «Нью стейтсмен» журнали, Шарқ-Жанубий Арабистондаги аҳволни шарҳлаб, араб қабилаларининг султон Маскатга қарши қўзғолонини шу районнинг аҳолиси жуда қуллаб-қувватламоқда, деб ёзади.

Бу воқиаларга Англиянинг аралашишига сабаб, дейди журнал, Англия ўзининг молиявий манфаатларини ҳамда нефть саноатидаги манфаатларини ҳимоя қилишга интилишидадир.

Журнал, «бу районда энг реакцион куч» бўлган султон Маскатнинг Англия томонидан қўллаб-қувватланишини Яқин ва Ўрта Шарқдаги кўп мамлакатлар қоралайди, деган фикрни билдирмоқда.

Шарқи-Жанубий Арабистондаги воқиалар

БАЙРУТ, 26 июль. (ТАСС). Ливан газеталарининг хабар беришича, кеча Англиянинг «Веном» самолетлари Уммоннинг қўзғолончи қабилалар томонидан ишғол қилинган пойтахти Назвага 12 марта ҳужум қилганлар. Шунингдек Уммон пойтахтининг жанубида 80 километр масофадаги қўзғолончи қабилалар томонидан ишғол қилинган Назва қалъаси ҳам кучли бомбардимон қилинган.

«Ашшарқ» газетасининг берган хабарига кўра, ҳаводан бомбардимон қилиниб турилишига қарамай, қўзғолончилар кеча бир қанча муваффақиятли ҳужум операцияларини бошлаганлар. Газета яна араб қабилаларининг қўзғолони Уммоннинг кўпгина ички районларига таркалганлигини қайд қилмоқда.

Шунингдек газеталар, султон Маскатнинг энди ўз кучларига ишонмай, фақат инглиз қўшинларига умид боғлаганлигини қайд қилмоқдалар.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

Тўқайдаги жиноят

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Орадан беш-олти дақиқа ўтмай, бир неча юз одам аравани ўраб олди. Булар: чойхонадаги чойхўрлар, волижроком хизматчилари, ер кўмитасининг ходимлари, йўловчилар бўлиб, кўча уларнинг говур-гувури, бақириқ-чақиригига тўлди. Улар нима ҳодиса юз берганини, ярадорни ким отганини, қаерда отганини, болохона айвонида дод солиб, ҳушидан кетиб йиқилган хотиннинг кимлигини суриштиришар, бу гап-сўз, шовқин-суроннинг бошига ҳам, кетига ҳам етиб бўлмасди.

Ўтап, Абдукарим ака, Қамчи, Мавлон ака Ботиралини дравадан тушириб, болохона айвони тагидаги пана бостирмага олиб кириб ётқизишди.

Волижроком биносидан югуриб чиққан Бўронбек, одамлар тўдасини ёриб, бостирма тагига кирди-да, ҳеч нарсадан бехабар кишидай, юз берган ҳодисани суриштира кетди:

— Ботиралига нима бўпти? Ҳайтовур, тирикми? Томири ўраётирми?

— Оғайнилар, тарқалингиз! — Ўтап Жамоа биноси олдини ўраб олганларга ўқтира кетди:—Жамоамизнинг раиси ўртоқ Исмоиловнинг аҳволи анча оғир. Аммо юраги уриб турипти. Ҳозир духтурга олиб кетамиз. Унга қасд қилган душманни ҳам топамиз... Борингиз, ишингиздан қолмангиз, оғайнилар!

Одамлар аста-секин тарқайбошлашди.

—Саройдан извошимни олиб чиқ! — деб буюрди Бўронбек Ғани самоварчига. — Ботиралини шаҳарга ўзим олиб бораман!

— Извошингиз устахонада, бўлис! —Ғани ота, кўзёшларини артатуриб жавоб берди.

—Нега Содиқ шу вақтгача тузатмаётир?! — Бўронбек Ғани отага қараб ўшқирди. — Нега сен хабар олмадинг?!

— Бақирманг, бўлис. — Ғани ота ғамгин гапирди. — Аста гапиринг, беморга ором керак...

— Ҳи, бачталоқ Содиқ! — Бўронбек тажанги тутдию, лекин заҳрини кимга тўкишни билмай, қўлини силкиб қўяқолди. Кейин у волижроком томонга қаради. Ўша ердаги муйилишдан, дала йўлидан чиқиб келган файтон шу томонга бурилганини кўриб, қувониб деди.— Касал тузалгуси келса табиб ўз оёғи билан келади! —У ясама кулиб қўйди-да, файтон келаётган томонга қараб қичқирди. — Ҳо, тезроқ ҳайда!

Файтон Жамоа болохонаси олдига келиб тўхтади. Ундан Қобил «карвон» сакраб тушди. Бўронбек «карвон»га бўйруқ беракетди:

— Ботиралини Тошкентга, Жуковскийга олиб борасан!

—Хўжайининг иши билан кетаётирман, — Қобил, қизил соплик қамчинини ағдарма кўн этигининг қўнжига тиқатуриб, сўз қайтарди.

— Бир балога қолмай...

—Хўжайинингга мен ўзим жавоб бераман, ҳеч балога қолмайсан, «карвон»!

— Ҳай, ундоқ бўлса... — «Карвон» бўшашган бўлди.

—Қани, —Бўронбек ярадорнинг бошида турган Ўтапга қаради. — Ўтапвой раисни файтонга олайлик!

Ботиралини уч-тўрт киши қўлда кўтариб, файтонга олишди-да, унинг юмшоқ қора ўриндиғига бир амаллаб ётқизишди. Бўронбек ярадорнинг қаршисидаги кичкина тахтачага, орқасини отга бериб, ўтириб олди ва ярадорнинг йиқилиб тушмаслиги учун, уни кўкраги билан суяди.

—Ўтапвой, биз келгунча Жамоадаги ишни энди ўзингиз бажариб турасиз. — Бўронбек ўтирган ерида керилиб, Ўтапга буйруқ берди. — Хайр, бўлмаса, оғайнилар!.. Қани, «карвон», ҳайда!

Қорайўрга аста йўғаларди...

Гузардагилар файтон узоқлашиб, кўздан ғойиб бўлгунча, унинг орқасидан қараб қолишди. Кейин, Ўтап ўз атрофини ўраб турган кишиларга:

—Қани, оғайнилар, юқорига чиқайликчи! — деди.

Қишлоқ активлари бошларини эгиб, Жамоа болохонасига кўтарилишди.

* * *

Тозагул билан Қумри Эзозхоннинг олдида қолишди. Қумри унга: «Ботиралининг яраси оғир эмас. Худо хоҳласа, болаларингизнинг бахтига тузалиб қолади, ҳадеб йиғлаб, ўзингизни қойитманг!» — деб тасалли берар, Тозагул уни рўмоли билан елпиди. Аммо уларнинг меҳрибонлиги Эзозхонинг юрагини қоплаган ваҳимани заррача ҳам тарқатолмади. Тўлин ой юзини қора булут тўсганда, ер юзини бир дамда зулмат қоплагандай, Ботиралининг аравада ҳушсиз ётганини кўрган Эзозхоннинг қалбини, ақлини, хаёлини ҳам қулфат қоронғулиги қоплаб олди. Бу қоронғуликни фақат умид чироғи, ишонч қуёшгина ёритиши мумкин эди.

— Ҳафа бўлманг, синглим, — дерди Тозагул ҳушсиз Эзозхонга. — Ботирали тузалиб кетади. То у тузалиб келгунча, болаларингизга узингиз бош бўлиб ўтиринг! Кўзингизни очинг! Бошингизни кўтаринг!

«Ботирали тузалиб келгунча...»

Тозагулнинг шу сўзлари Эзозхон кўнглини қоплаган зулматни умид юлдузидай ёритди. «Демак, у ўлмаган... Демак, у яшайди, келади, болаларини кўради... Демак, мен уни кўраман!..»

Эзозхоннинг йирик қора кўзларида боягина сўнган нур яна астасекин ёниб, товлана бошлади. Қатиқ ҳорғинликдан кейин ухлаб қолган киши тўсатдан уйғонганда ўзини қандай сезса, Эзозхон ҳам ўзини шундай сезди. «Ботирали тузалиб келгунча...» деган сўзлардан умидвор бўлиб, у Тозагулдан:

— Аҳволи оғир эмасми, опа? Ҳушига келдими? — деб сўради.

— Аҳволи анча оғир, — Тозагул Эзозхонга рост гапни айтиб қўяқолди. — Ҳушига келгани йўқ. Лекин томири бир текис уриб турипти, дейишади. Умид қилинг, синглим, ноумид — шайтон...

— Демак, аҳволи оғир, денг?.. Уни ким отипти, опа?

— Ботиралини ким отганини билишолмаётипти. Аммо хотиржам бўлинг, душман қочиб қутилмайди. — Тозагул ишонч билан гапирди. — Раисни отган душманни топиб, жазолашади!

— Айтганингиз келсин, опа, — деди Эзозхон. — Худо ўз паноҳида асрасин Ботиралини!..

* * *

Ботиралининг тўқайда отилган хабарини эшитган қум қишлоқликлар Жамоага оқиб келиша бошлади. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, болохона яқин-узоқдан келган жуда кўп кишилар билан тўлди. Қишлоқ активлари Ўтап ўтказган маслаҳат мажлисида қатнашиб, раиснинг яралангани учун кўпдан-кўп афсусландилар, қотилнинг кимлиги ҳақида ҳар хил гумонлар қилдилар. Баъзи бировлар қайғули ҳодиса юз берган тўқайни ўраб олиб, қидирув ўтказиш, ўша теварак-атрофдаги деҳқонларни оёққа турғизиш керак, дедилар. Қўйлиқ томонга муҳим бир иш билан кетган Усмон Оролов маслаҳатга етиб келиб, тўқайга ишкович ит олиб боражагини айтди ва ўзига йўлдош бўладиган кишиларни ажратиб беришни сўради. Абдукарим ака, Ўтап, Мавлон ака, Содиқ темирчи Ороловнинг милиционерлар дружинаси билан бирга борадиган бўлдилар. Ўтап Қамчини Ботиралининг отида шаҳарга юбориб, ЧЕКАга хабар берадиган бўлди.

Хуллас, кечга томон ҳамма ҳарёққа тарқалди.

Жамоа сув сепгандай жимжит бўлиб қолди.

Аммо, ёмон гап елдиримдай тез ёйилади ,деганларидек, бугун юз берган хунук ҳодиса хабари фақат Қумқишлоқ деҳқонларига эмас, балки яқин-олисдаги бошқа қишлоқларнинг ҳаммасига ҳам бориб етди. Қумқишлоқ воқиаси одамларнинг ўй-хаёлидаги ечилмаган тугун бўлиб қолди.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 28/VII да **Ҳамза**, 30/VII да **Оғриқ тишлар.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/VII да кундуз **Чио-Чио-Сан**, кечқурун **Травиата.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли (қишки) — кундуз ва кечқурун **Бир қизни учратдим.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 9 да **Юлдуз**, кундуз ва кечқурун **Бир қизни учратдим.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Бир қизни учратдим**, кеч соат 10 да **Юз серенада.**

«ХИВА», «УДАРНИК» — **Бир қизни учратдим.**

«САЛЮТ» — Ёшликка саёҳат.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

ТЕЗ КУНДА

Улуғ Октябрнинг 40-йиллигига бағишланган

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

З. Фатхуллин ва **Ш. Саъдулла** асари, **С. Бобоев** музикаси

ВАТАН ИШҚИ

4 пардали музикали драма.

Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Раззоқ Ҳамроев**, дирижёрлар — **Н. М. Гинзбург, Х. Раҳимов, Г. Тожиев**, рассом — **Г. А. Визель**, балетмейстерлар — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Р. Каримова** ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Е. Н. Барановский.**

ТЕЗ КУНДА

СТАЛИН НОМЛИ ПАРКДА **МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ЁЗГИ БИНОСИ ОЧИЛАДИ**

(«Зелёний» театр)

Эълонларни кузатиб борингиз.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

30 июлда

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ

КОНЦЕРТИ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Карим Зокиров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Ксения Давидова, Салима Хўжаева, Ноила Ҳошимова, Гулнора Маваева, Михаил Давидов, Саттор Ярашев, Насим Ҳошимов**, солистлардан **Ойниса Кучликова, Роза Юсупова, Рафоат Кучликова, Ольга Шайхилисламова, Клара Юсупова, Азиза Саидхўжаева, Асад Азимов, Жўра Қосимов, Жамол Низомхўжаев, Х. Шамсиддинов, Рафиқ Султонов, Михаил Мошеевлар** қатнашади.

Халқ чолғу асбоблари ансамбли ва доирада Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Раҳим Исахўжаев** жўр қилади, концертмейстер — **Д. Л. Воробейчикова**, программани **Жамол Низомхўжаев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР

(Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида)

29 июлда

ЎЗБЕК-ХОРАЗМ КУЙЛАРИДАН

Катта концерт

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Раззоқ Ҳамроев** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Зайнаб Полтушева, Абдуғафур Абдурахмонов** ва театр солистлари қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

Тошкент шаҳар, Кравков кўчаси, 14-уйда турувчи **Олия Расулевна Абдурахмонованинг** Дербент шаҳар, 1-Магал кўча, 116-уй, 58-квартирада турувчи Бабо Жафарович Қулиевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район, 2-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 03881. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. №1855.